

Наврӯзи олам юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!


# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 23-mart, payshanba • № 12 (1023) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz • www hurriyat.uz


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Она диёримизга, барчамиз орзиқиб кутган, гўзал ва дилбар фасл – Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу улуғ айём – шарқона янги йил билан, каттаю кичик барча юртдошларимизни, чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу қутлуғ кунда сиз азизларга, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Муҳтарам дўстлар!

Бу йилги Наврўз байрами, барча шаҳар ва қишлоқларимизда, умумхалқ сайиллари тарзида ўтаётгани, унга ўзгача файз ва шукуҳ бағишламоқда.

Наврўз руҳи ва фалсафаси "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"нинг ғоя ва мақсадлари билан уйғун ва ҳамоҳанг равишда намоён бўлмоқда.

Эл-юртимиздаги азиз инсонлар бир-бирларини қутлаб, дала ва қирлар, боғ ва майдонларда Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан нишонламоқдалар. Дошқозонларда сумалаклар пишириб, дастурхонларга баҳор неъматларини тортиб, сайил-томошалар қилмоқдалар. Шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва мурувват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, ҳашарлар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврўзнинг файзига янада файз қўшмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугун фидойи деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-умид билан янги мавсумни бошламоқдалар. Барчамиз уларни чин дилдан табриклаб, йилимиз қутлуғ келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Наврўзи олам Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари учун, бутун халқимиз учун энг суюкли байрамдир.

Бугун биз юртимизда мана шундай қутлуғ байрамни нишонлаш баробарида, бутун дунёда тинчлик ва хотиржамлик бўлишини, узоқ ва яқин барча давлатларнинг халқларига тараққиёт, фаровонлик ҳамда равнақ тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Наврўз айёми билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг қалбимдаги энг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Наврўзи олам юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Ҳар бир оила, ҳар бир хонадонда яхши кунлар, тўй-томошалар кўп бўлсин!

Барчамизнинг эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўз байрами, барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**



## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 22 март куни давлат ташрифи билан Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ҳиндистон Президенти Пранаб Мукержи Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Россия Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни ташриф билан мамлакатимизда бўлган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга «General Electric» компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллетт миннатдорлик мактуби йўллади.

21 март — Наврўзи олам байрами юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**

**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**



НУҚТАИ НАЗАР

## Тарихий тараққиётнинг янги даври

Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёжлари, талаблари ва ҳаётий тамойиллари бўлади. Ҳар бир замоннинг ўз зайли, қарашлари, муносабатлари, тафаккур тарзи бўлади. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, 2017 йил Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёт ва ривожланишида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Бу бевосита замон билан ҳамнафас, ҳозирги цивилизация талабларига жавоб берадиган, бугунги кун миллий ва дунёвий эҳтиёжларини назарда тутган, жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари билан миллий хусусиятларимиз, қадриятларимиз, давлатчилик усул ва услубларимиз билан уйғунлашиб кетган, синтезлашган кучли ва қудратли сиёсий тафаккур билан боғлиқ.

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

"2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси" айни ана шу замонавий тафаккурни мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни ривожлантириш, бошқарувни эркинлаштириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш билан бирга халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўз сўзи, қатъий хулосаси, умумсайёравий масалаларни ҳал қилишда, ички ва ташқи сиёсатда ўзгармас, изчил позициянинг мавжудлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўтган 25 йил мобайнида бутунлай янги тарихий шароитларда, янги давлатчиликка асос солинди. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти вужудга келтирилди. Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада туб бурилишлар ясалди. Ташқи сиёсатда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ва ўзининг қатъий сиёсий позициясини намоён этди. Дунёнинг энг кучли ва катта давлатлари Ўзбекистон билан ҳисоблашадиган, унинг умумдунёвий масалаларга тегишли фикр ва хулосаларини инобатга оладиган бўлиб қолди. Энди ҳамма гап ана шу мустаҳкам пойдеворга таяниб Ўзбекистоннинг янги даврдаги, янги тараққиётини таъминлашдан иборат бўлиб қолди.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси" мамлакат тараққиётининг ҳар томонлама ва муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Жумладан, унда:

2 ▸▸

# Тарихий тараққиётнинг янги даври

« Бошланиши 1-бетда

***1-йўналиш. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилади.*** Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асносида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади. Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш ғоялари илгари сурилади. Очиқ жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва натижада Ўзбекистон Республикасини Конституциясида кўрсатилганидек, **давлатнинг ягона ва бирданбир манбаи халқ эканлиги**, **давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши зарурлиги, айни пайтда халқ ўз мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши** каби инсонпарвар жамиятни вужудга келтириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

***2-йўналиш. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.*** Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган барча қонунларнинг тўла ва самарали ишлашини таъминлаш чора-тадбирларига жиддий эътибор берилади. Олий Суд фаолиятини ислоҳ қилиш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида янги тизимини вужудга келтириш масалалари илгари сурилди. Жумладан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, халқчил, фуқаролар манфаатларини тўла ҳимоя қила оладиган, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш, энг муҳими унга қарши курашишдан олдин, содир этилмаслик чораларини кўриш, профилактика тизимини янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш, ҳар томонлама ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмини такомиллаштиришни тақозо этади. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, қонунга риоя қилиш ва қонун устуворлигига эришиш орқали суд ва судловнинг юксак маданиятига эришиш талаб этилади.

Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали суд-ҳуқуқ органларини "жазоловчи органдан фуқаролар манфаатини ҳимоя қиладиган, уларнинг кундалик юмушларига ёрдам берадиган, ҳар қандай муаммоларини қонун доирасида ҳал қилиб берадиган хизматлар органига айлантириш" (И.Каримов) механизмини юқори савияда ишлашини таъминлаш ғоялари илгари сурилади.

***3-йўналиш. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари.*** Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкка эгалик қилиш ва унинг ҳажмини ошириш орқали юқори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни рағбатлантириш назарда тутилади. Вилоят, туман ва шаҳарларни ўз табиий-географик имкониятлари, ер шароити ва деҳқончилик маданияти назарда тутилган ҳолда, ҳудудий эҳтиёжлар ва манфаатлар нуқтаи назаридан иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш талаб этилади.

***4-йўналиш. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.*** Бунда аҳоли бандлиги ва уларнинг кундалик турмуш тарзидаги реал даромадларини изчил оширишни тақозо этади. Жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламига янги иш ўринларини очиш, меҳнат фаолиятининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш масалалари илгари сурилади. Шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, ҳаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш орқали узоқ истиқболни мўлжаллаган ва саодатли турмуш тарзини таъминлайдиган юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш талаб этилади.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон — мутахассисни тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Бу бевосита ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

***5-йўналиш. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.*** Бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор берилади. 10дан ортиқ диний конфессиялар, 130дан ортиқ миллат ва элат яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқодлар ва маданиятларни ҳурмат қилиш сингари бағрикенглик фазилатларини янада чуқурлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32 миллионли оиламиз истиқболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан қатъи назар ҳар бир фуқаро масъул эканлигини англаш, унинг жавобгарлигини ошириш, мажбуриятини тушуниш механизмини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Айтиш мумкинки, Президент Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси" 25 йил ичида эришилган тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги масалаларни ҳисобга олиб, кейинги беш ва ундан кейинги узоқ йилларга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги даврини очиб берди. Бу бутун моҳияти билан Ўзбекистоннинг энг янги тарихида бутунлай янги саҳифа очди.

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор**

## 2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Тошкент марказий темир йўл вокзалидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига саломатлик поезди жўнаб кетди. Ушбу акция «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

## ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁДА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ

Ҳар бир инсоннинг малакали тиббий ёрдамдан фойдаланишини таъминлаш, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги » Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида бу борада кенг кўламли вазифалар белгиланган.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Фонднинг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни, эҳтиёжманд инсонларни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, саломатлик поезди жўнатиш орқали аҳолига тиббий-профилактика, замонавий диагностика ёрдами кўрсатиш лойиҳалари тобора такомиллашаётир.

2016 йилда Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган шундай тадбирлар доирасида беш ярим мингдан ортиқ аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий-ижтимоий муассасалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли равишда инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 29 мартга қадар саломатлик кунлари ўтказилади. Пойтахтимиздан борган шифокорлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олищ, оилаларда тиббий маданиятни ошириш мақсадида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилади. Тиббий-ижтимоий муассасаларга ёрдам кўрсатилади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# Даромадларни декларациялашни унутмадингизми?

**СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН**

Бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан ўтган йилда асосий бўлмаган иш жойларидан ва бошқа манбаалардан олинган даромадларини декларациялаш айни қизғин жараёнда кечмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан жисмоний шахслар 2016 йил давомида қуйидаги даромадларни олган бўлсалар:

-мулкий даромадлар (турар жой, нотурар жой, автомобиль транспорти ва бошқа мол-мулкларни ижарага беришдан), агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;

-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

-асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар (юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш. Иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар);

-икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар;

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

-солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар бўйича жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этишлари лозим.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат соллиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этишлари талаб этилади. Жисмоний шахс декларацияни шахсан ёки ишончли вакил орқали (қоғоз кўринишида ёки электрон ташувчида), почта хизматидан фойдаланиб, буюртма хат орқали, шунингдек, Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz ёки my.soliq.uz сайтларидаги "Электрон солиқ декларациялари" интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда топшириши мумкин.

Солиқ кодексининг 192-моддасига мувофиқ, агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, шунингдек, олдин тақдим этилган декларацияда нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ўзидаги мавжуд ахборот асосида энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва тўланиши лозим бўлган, ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси тўғрисида солиқ тўловчига ўн кунлик муддат ичида тўлов хабарномасини топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация ёки тўғриланган декларация тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Таъкидлаш жоизки, жимоний шахслар томонидан жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси 3-қисмига асосан жарима (энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3 баравари миқдорида) солинишига сабаб бўлади.

Шунга кўра, декларация топшириши лозим бўлган жимоний шахслар ҳисоботнинг якуний санаси 1 апрелгача яшаш жойидаги давлат солиқ инспекциясига жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари ҳамда ҳисобланган солиқларни эса жорий йилнинг 1 июнига қадар тўлашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

**Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ,**
**Тошкент шаҳар Чилонзор туман ДСИ бошлиғи**

**ТАДБИР**

2016 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур қарорнинг ижроси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда соҳанинг мутасадди ходимлари, тегишли бошқармалар раҳбарлари, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни ва Тошкент фармацевтика институти вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.



# Арзон дориларда сифат муҳим

Анжуманда таъкидланганидек, дорихона тармоқларида нарх-навонинг бесабаб ошиб кетиши аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлгани, қарор ижроси доирасида ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида қатъий чоралар кўрилаётгани ҳақида мунозаралар бўлиб ўтди. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашича, қисқа муддатда дорихона тармоқларида дори воситаларини аниқ белгиланган нархларда сотилишини таъминлаш йўлга қўйилган. Эндиликда четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи савдо учун 15 фоиз, чакана савдо учун 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда савдо устамалари қўйилиши қатъий назоратга олинган. Қолаверса, тиббиётда кенг қўлланиладиган 300 дан ортиқ номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар жорий этилди. Мабодо юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол равишда бузилса, Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғига асосан, уларга нисбатан қатъий жазо қўллаш, ҳатто лицензиясини бекор қилиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда дори воситаларининг нархи аввалгиларига нисбатан 8 фоиздан 44 фоизгача пасайганлиги қайд этилмоқда. Демак, халқимиз нархлардаги сезиларли даражадаги арзонлашувни илғаган бўлиши табиий. Мабодо, истеъмолчиларда мамлакатимиздаги мавжуд дорихоналардаги дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати ва нархи билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ҳал этилмаган муаммо, ариза, шикоят ёки таклифлар бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ушбу йўналишда ташкил қилинган (0371) 242-84-16 рақамли "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилишлари мумкин. Ҳар бир мурожаат масъул ходимлар томонидан кўриб чиқилади, назоратта олинади ва қонун доирасида ҳал этилади, дея фикр билдирилди мазкур анжуманда.

Шунингдек, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб республикамиздаги барча дорихоналарда "Истеъмолчилар бурчаги" ташкил этилгани халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилингани ҳам таъкидланди. Унда дорихоналарда сотилиши мажбурий бўлган энг зарур дори воситалари ва тиббий буюмларнинг минимал рўйхати, рецептсиз берилиши мумкин бўлган дорилар рўйхати, белгиланган нархларда сотиладиган тиббий маҳсулотларнинг чекланган нархлар жадвали илингани эслатиб ўтилди.

Шу ўринда Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи доривор ўсимликлар асосида тайёрланадиган бошқа давлатларда ўхшаши бўлмаган дори воситалари тўғрисида фикр билдириш жоиз. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, шунингдек, Тошкент фармацевтика институти ва Ўзбекистон кимё фармацевтика илмий тадқиқот институти томонидан соҳанинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилаётир. Улар томонидан сўнгги 20 йил мобайнида маҳаллий хом ашёлар асосида яратилган 30 га яқин оригинал дори воситалари тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилиб, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш жорий қилинган. Тадбирда тилга олинганидек, соҳа ривожи учун тамал тошини қўйувчи доришунос олимларнинг илмий изланишлари учун етарли шарт-шароитларни яратиш, уларни зарур моддий-техник воситалар билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Зотан, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дори маҳсулотларининг нархи арзон бўлгани билан сифати юқори бўлмаса халқ ишончини қозониш қийин. Ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулотларгина элнинг дардига малҳам, кўнглига хотиржамлик бера олади.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

# Навбаҳорни етаклаб, Наврўз келди юртимга!

Бунёдкорлик ва яратувчанликни, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатликни, бир сўз билан айтганда, бутун борлиқ, заминни уйғотувчи суюкли айём — Наврўзни мана неча асрдирки халқимиз орзиқиб кутади. Турли низо ва адоватларни унуттиргувчи, қалбларда меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик, саховат каби инсоний туйғуларни жўш урдирувчи ушбу айём айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто чекка овулу қишлоқларигача кенг нишонланаяпти. Кунни тунга улаган кўклам садолари Наврўз сайллари бошланганидан дарак берса, қадрдонлар бир-бирини бағрига босиб, самимий қутловлар, эзгу тилаклар билдиришади.



Кексалари дуосидан паноҳ тилаган, осмони мусаффо юртда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон борки, юзида шукроналик ҳисси уфуриб турибди. Сайлгоҳларни айланар эканмиз, халқимизга мана шундай отамерос айёмлар ярашади аслида, деган ўй беихтиёр дилимиздан тилимизга кўчади.

— Наврўз шундай байрамки, унда бугун билан ўтмиш боғланади гўё. Наврўз онларида ота-боболаримиздан мерос бой маданиятимиз, бетакрор қадриятларимиз намуналари бир бутун бўлиб гавдаланади кўз ўнгимизда, — дейди тарих фанлари доктори, этнограф олим Адҳам Аширов. — Пойтахтимиз ва барча вилоятларда ўтказилаётган байрам сайллари ҳам айни шу мақсадга хизмат қилаётир. Бу каби сайллар юртдошларимиз қалбида жўшқинлик, яратиш, янгиланишга бўлган мақсад ва истакларни жўш урдириши аниқ. Қолаверса, ёшларимизга ҳам миллий қадрият ва анъаналаримиз туб моҳиятини англаб етиш, боқий меросимизни асраш ва ҳурмат қилиш сингари бир қатор инсоний туйғуларни тарбиялайди.

Дорбозлар, қизиқчилар, халқ театри вакиллари, аскиячилар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор-этнографик ансамбллар, цирк артистлари, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларининг чиқишлари ташкил этилган байрам сайлларига ўзгача шукуҳ бағишлаяпти.

— Президентимиз қарори билан Наврўз байрамининг ҳар бир маҳалла ва қишлоқда сайл сифатида кенг нишонланиши биз каби барча ҳамюртларимизни қувонтирди, деб ўйлайман. Мана ёнгинамиздаги Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида ҳам байрам авжида, — дейди невараларини етаклаганча сайлга йўл олган водийлик юртдошимиз Иноят ая Мансурова. — Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари маҳалламиздаги барча хонадон аъзоларини шу гўзал боғ сари чорлади. Мана қаранг, ёшу қарини бирдек тўлқинлантириб қалб қўрида байрамона бахтиёрлик туйғуларини уйғотган айём шукуҳини уларнинг юзидаги севинч, кўтаринки кайфиятидан билсангиз ҳам бўлади.

"Илик узар" паллада сал кам бир кечаю бир кундуз тайёрланган ҳалим, дошқозонларда қайнайвериб, дармонга тўйинган сумалак, айни қишда сувга тўйинган кўкатлар ҳамда ялпиздан тайёрланган сомса, чучвара, манти, ўрама, варақи ва қатламалар бугун байрам дастурхонининг кўркига кўрк қўшиб турибди. Баҳор фаслидаги бу каби таомлар шинаванда халқимизнинг ҳар бир вакилига ёқиши табиий.

— Наврўз кунларида барча қишлоқдошларимиз қаторида бизнинг оила аъзоларимиз ҳам байрам сайллари ташкил этилган қиру-адирларга шошилишди. Кўпкари, кураш, арқон тортиш каби халқ ўйинларимиз лапар айтишувлару фольклор ансамблларининг чиқишлари санъаткорларнинг куй-қўшиқларига уланиб кетди, — дея бир олам қувонч билан ўз таассуротларини ўртоқлашди сурхондарёлик юртдошимиз Муқаддас Ҳамидова. — Дугоналарим билан гулчамбарлар ясаб, бошимизга илдик. Қошимизга ўсма қўйиб, бирга қўшиқлар куйладик. Момоларимиз томонидан пиширилган сумалагу ҳалимлар, янги келинчакларимиз томонидан тайёрланган кўк сомсаю варақилар эса рақсдан бироз ҳориган жисмимизга оро бўлди. Наврўз сайли ҳаммани бирдек хушнуд этмоқда.

Байрамни шоду хуррамлик билан қарши олган халқимиз, айниқса, ёши кекса отахонларимиз яхши ниятлар билан кўчат ўтқазиш ишларида ўзлари бош-қош бўлишди.

— Эътибор берсангиз, Наврўзда маҳалла-кўй, одамлар ўртасидаги ижтимоий бирдамлик ёрқин намоён бўлади, — дейди навоийлик 80 ёшни қаршилаган Аҳмаджон ота Файзиев. — Иш, турмуш ташвишларидан ортмай, қўли қўлига тегмай ўтаётган маҳалладошларимиз Наврўз баҳона дийдорлашиб, дилдан суҳбат қуришди. Невараларимиз билан ерга янги ниҳоллар ўтқаздик. Келинларимиз ранг-баранг гуллар экишди. Ана шундай инсоний ришталарни янада мустаҳкамлаётган, бирдамлик ҳиссини орттираётган миллий байрамларимиз бор бўлсин! Тинчлик-омонлигимиз абадий бўлиб, юртимизга асло кўз тегмасин!

Юқоридаги юртдошларимизнинг дил сўзларидан ҳам билсак бўладики, Наврўз айёми табиат билан бирга руҳиятимизга-да янгиланиш олиб киради. Кўтаринки кайфиятда ўтказилаётган байрам сайллари таассуротлари эса ҳар бир қалбда бир умрга муҳрланажак. Зеро, тинч ва осойишта юртга ярашиқли сайллар барчамизга меҳр-муҳаббат, бағрикенглик, бирдамлик ва аҳиллик туйғуларини қонқонимизга-да сингдиришга қодир. Байрам томошаларини кўриб, уй-уйига тарқалаётган кишилар қалбини ўзгача кайфият — шу кунларга етказгани учун шукроналик ҳисси чулғаб олганининг гувоҳи бўлдик. Халқимизни ана шундай кўтаринкилик, шодумонлик асло тарк этмасин деймиз. Шоир бобомиз таъбири билан айтсак, ҳар кунинг Наврўз бўлаверсин, Ўзбекистоним!

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

АЙЁМ ШУКУҲИ

Юртимизда янгиланиш ва яшариш айёми саналмиш Наврўз кенг нишонланмоқда. Қизчаларнинг эгнида товланаётган атлас кўйлаклару, бошларидаги дўппиларга, шўх-шодон болаларнинг қийқириб варрак учиришига, бўйқизларнинг тўпланиб, сирли-сирли суҳбат қуришларию момоларнинг сумалак бошида туриб лапар айтишларига боқиб, Яратганга беҳисоб шукр деймиз. Тинч-осойишта юртимизга байрамлар қандай ярашади! Айниқса, барча-барчанинг кўнглига илиқ туйғулар соладиган баҳорой бошланганидан дарак берувчи Наврўзнинг завқи ўзгача.

## Кўнгиллар яшарар, юртга Наврўз ярашар!

Наврўз ҳақидаги илмий мақолаларда, китобларда айтилишича, у тахминан уч минг йиллар бурун пайдо бўлган экан. Ким билади, балки бундан-да қадимийроқдир у. Негаки, диққат қилсак, у билан боғлиқ гўзал урф-одатларимиз, удумларимиз одамзод пайдо бўлганидан бери бордек туюлади. Масалан, бу кун барча бир-бирига меҳр улашади, ҳар биримизнинг қалбимизда қандайдир яхшилик қилиш истаги жўш уради. Меҳр-мурувват, хайру саховат туйғулари эса бизга Одам Ато билан Момо Ҳаводан мерос. Наврўзнинг шунчаки фасл ва йил алмашиниши, Қуёшнинг ҳамал буржига ўтиши билан боғлиқ айём эмаслиги, у бутун борлиғи билан инсон табиати ва ҳаётига дахлдор эканини тафаккур қилсак, унинг пайдо бўлиш тарихи мингйилликларга сиғмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ёши улуғларнинг айтишларича, Наврўзни нишонлаш собиқ иттифоқ даврида кўп йиллар мобайнида тақиқланган, уни ошкора байрам қилган кишилар таъқиб остига олинган экан. Шукрки, ана шундай тўсиқларни ёриб ўта олди бу байрам. Чунки у қалбга дахлдор, қалбга тегишли нарсани эса юлиб олиб ташлаш имконсиз, ўчириб, тақиқлаб бўлмайди.

Қаранг, бугун юртдошларимиз бу қутлуғ айёмни зўр кўтаринкилик, завқу шавқ билан нишонламоқда. Куйлар, қўшиқлар, шўх яллалар янграмоқда Наврўз шаънига. Илоҳим, ҳар кунимиз мана шундай файзли, сурурли бўлсин!

**Камола ТОШПЎЛАТОВА,**
**ЎзМТДП "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси**

# Оқ тонглар, оппоқ тонглар,

ТУЙҒУЛАР

Чол-кампир деразадан кўкка боқишди. Ажиб манзара намоён эди. Беғубор осмонда турналар кўринди. Ипга тизилгандек бир текис, яйраб-яйраб кенг қулоч ёйиб учишарди.

Ўрикнинг оппоқ гулларини ўраб олган сон-саноқсиз асалари ўз тилида қўшиқ айтаяпти. Қалдирғочлар аҳён-аҳёнда кўринади. Лекин ҳали уяларига қайтганларича йўқ.

Узоқларга кетмай, шу атрофдаги болохонаю ўтинхоналарда қишлаб чиққан мусичалар ишкомларга қўниб ку-кулашмоқда.




Зағизғонлар чағиллаганча дарахтдан дарахтга сакрайди. Кўчадаги қайсидир баҳайбат арча ёки терак буталари орасига хас-хашаклар ташиб, уя қуриш, бола очишни чамалашмоқда, шекилли. Шафтоли новдалари гуллари билан пушти рангга бурканган, олма шохлари оч қизил тус олган, анорлар ҳали куртак очиб улгурмаган. Ҳовли чеккаларини бинафшалар нозик япроқларини ёйиб, безаб турипти.

Ана шундай кўнгилга ҳузур ва завқ бахшида этувчи табиат қўйнида яна бир мўъжиза рўй берди. Лолалар қип-қизил бўлиб очилди! Дарахт гулларию қушлар сайраши, асаларилар қўшиғию шаббода куйи билан яшнаган диёримизни яна ҳам файзга буркади.

Кузда Бекзоднинг ота-онаси эзгу истаклар билан ҳовли этагига пиёзга ўхшаш уруғларни экишганди. Устини тупроқ билан беркитишган, мабодо, у ҳам камлик қилмасин деб ёғоч қипиқларини ҳам сочишган, шу тариқа фурсат ўтган сайин бу гул уруғлари гўё унутилганди.

Кеч кузда ёмғир шаррос қуйди, дўл ёғди, шамоллар ғувуллади. Лекин лола уруғлари ўзини табиатнинг бир бўлаги деб билган, меҳр-муҳаббатини бағишлаган инсон ҳимоясида тинч ва осуда, илиқ ва юмшоқ жойда, тупроқ қўйнида пинакка кетганча ётаверарди.

Кейин қиш бошланди. Лайлак қор, ёмғир ёғди, бирон ёғинсиз, лекин ёқимли кунлар ўтди.

Қайсидир кун дераза ойнасидан қараб, ҳовли саҳнида марвариддек ялтироқ шудрингни кўришди. Сўнг кунлар илиди. Покиза ва мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун йўлакдаги эшикни очиб қўйишди. Кўкда қуёш чарақлар, заиф нурлари танага ҳузур бағишлар ва яна тезда уфққа ёнбошларди.

Кейин... кейин баҳор келди.

Бир пайт ҳали уч ёшгаям тўлмаган, сочлари жингалак дўмбоқ болакай ҳовлига чиқди. Буни ҳеч ким сезмаган, чол-кампир бир пайтлар машҳур санъаткор ижро этган "Сен баҳорни соғинмадингми?" ашуласини эшитиб ўтиришарди.

Ёши саксонга қараб бораётган бува ва буви бу қўшиқни тинглаб, олис болаликлари-ю, дўсту биродарларини эслашар, ҳозирги кунларга етиб келганлари учун шукр айтишарди.

Ҳа, бир пайтлар боши берк тор кўчалар, пастқам иморатлар бўларди. Томлар қалин қорга тўлиб кетарди. Ана шунда ўғил резина этик кийиб олиб отаси билан ёғоч нарвон оша томга чиқарди. Курак билан қорларни сидириб кўчага итқитишарди.

Кунларнинг бирида тарновдан шилдираб сув оқа бошлади. Бу, кунларнинг илиётгани, ҳадемай баҳор келишидан дарак эди...

... "Сен баҳорни соғинмадингми?.." Қўшиқ тугагач, ана шундай хаёлларга кўмилиб ўтирган чол-кампир рўпараларидаги набираларини кўриб сергакланишди. Бекзод яшнаб турган бир жуфт лолани жилмайганча бува ва бувисига узатди.

Бекзодни қучоқлаб, пешонасидан ўпиб қўйишди. Бу — ҳовли этагига ўғли ва келини кеч кузда эккан лола эди.

Чол-кампир ҳовлига чиқди. Осмон мусаффо, ҳаво тоза, дарахтларнинг чаман очилган гуллари, қийғос лолалар, барг ёзаётган атиргуллар, бинафшалар...

Аста-аста қадам ташлаганча ҳовли этагига, чаман очилган лолалар ёнига боришди. Эгилиб ҳидлашди. Димоқларига тоза асалнинг ёқимли иси уфурди.

Кейинги кунларда қуёш эртароқ чиқиб, ёқимли нурларини соча бошлади.

«Наврўзи олам келди!», — деди гўё қушлар чуғурлаб.

«Наврўз қалбларга елди», — деди гўё гуллар чаман очилиб.

«Наврўз барака берди», — деди гўё куртакланаётган дарахтлар.

Одамлар бир-бирларини қучоқлаб, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин, дейишди.

Кўча бошидаги катта қозонда сумалак қайнар, унинг атрофидагилар баҳорий, шукроналик қўшиқларини завқ билан айтишарди.

Эрталаб чол-кампирни маҳалла гузарига, сумалакка чақиришди. Бекзод бўлса ота-онаси билан истироҳат боғига, варрак учириш мусобақасига кетди.

Ҳа-а, айтгандек, баҳордан илк дарак берган лолалар-чи, дерсиз? Улар япроқларини кенг ёйганча атрофга ёқимли ҳидларни инъом этишар, она тупроғимизда ҳали узоқ-узоқ йиллар кўпайиб, соғ ва омон, хотиржам ва осойишта яшашларига чин дилдан ишониб, ҳамон жилмайиб туришарди.

Оқ тонглар, оппоқ тонглар давом этарди.

**Абдусаттор ҲОТАМОВ**

## Баҳор рассомлар нигоҳида

НАВРЎЗ – 2017

Баҳор, яшариш ва янгиланиш айёми, она-табиатнинг уйғониш фасли мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом, самарали ижод манбаидир. Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган «Наврўз – 2017» номли бадиий кўргазмада ана шу жиҳатлар яна бир карра ўз ифодасини топган.



Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда ибратли анъана ва қадриятларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг бардавомлигини таъминлаш доимий эътиборда эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан халқимиз оғирини енгил қилиш, муносиб турмуш шароитларини яратиш, ҳаётимизни янада тўкин ва фаровон этиш борасидаги эзгу ташаббуслар Наврўз айёми замиридаги меҳр-мурувват, саховат, бағрикенглик ғояларига уйғун эканини барча юртдошларимиз қайд этмоқда.

– Кўкламнинг ажиб таровати, гўзаллигини акс эттириш қизиқарли, айни пайтда мураккаб жараён, – дейди мусаввир Ҳаким Мирзааҳмедов. – Бунинг сабаби шундаки, баҳорий манзараларда ранглар палитраси ғоят ранг-баранг ва бетакрордир. Уни санъат мухлисларига етказиб бериш, томошабиннинг она-табиатга меҳри, эҳтироми, ҳайрати ва ҳавасини тасвир орқали ифодалаш рассомга катта масъулият юклайди.

Кўргазмада рассомларнинг баҳор айёмига бағишланган юзга яқин рангтасвир ва графика асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. А.Мирсоатов, Д.Мамедова, И.Шин, О.Собиров, А.Алиқулов, В.Трошина каби ижодкорларнинг янгиланиш фасли, табиатнинг уйғониши, миллий анъана ва қадриятларимиз акс эттирилган картиналари томошабинларга манзур бўлмоқда.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# Газеталар оҳанрабоси

*2016 йил давомида ОАВларида чоп этилган публицистик материаллар шарҳи*




**САРҲИСОБ**

Газета ўқиб ўрганган одам, нимадир сабаб туфайли уни бирор кун канда қилса, худди бир нарсасини йўқотган киши аҳволига тушади, то топиб ўқимагунча кўнгли тинчимайди. Ҳа, газетанинг ана шундай оҳанрабоси бор. Бу гаплар бор-йўғи тўрт саҳифа чиқадиган, уларда ҳам нуқул расмий материал, реклама ва эълонларни жойлаштириб (обуначиларининг ҳақидан қўрқмасдан) кун кўраётган ёки саҳифаларини номигa расмий материаллар (уларнинг ҳам аксарияти эскириб бўлган) жойлаштириш билан обуначиларнинг кўнглини овлашга уринаётган газеталар ҳақида эмас, албатта.

Ўқувчи йил давомида республикада нашр этиладиган барча газета ва журналларни мунтазам кузатиб бориши имконсиз. Шундай бўлса-да, иложи борича кўпроқ нашрларни ўқиб, изчил таҳлил этиб боришга ҳаракат қилдик. Қуйида кузатувларимиз натижасида чиқарган баъзи хулосаларимизни эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

**“ҲУРРИЯТ”** мустақил газетасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий мавзулар кенг ёритиб борилади. Хусусан, унинг саҳифаларида турли соҳаларда қилинаётган ислоҳотлар, янгиланишлар қаламга олинган материаллар, адабиёт, санъат ва маданият намояндалари ҳақида қизиқарли лавҳа ва очерклар, ибратли ҳикоялар, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, халқаро шарҳлар, таниқли адиблар китобларига тақризларни ўқиш мумкин. Таҳририятда “устоз-шогирд” анъанаси яхши йўлга қўйилган. Тажрибали журналистлар изидан бораётган ёшлар ҳам улардан касб сир-асрорларини ўрганиб, маҳоратларини кундан-кунга ошириб боришяпти. Қувонарлиси, иқтидорли ёшлар жамоада кўпчиликни ташкил этади.

Газетада интервью жанрида мазмунли материаллар бериб борилади. Одатда ўзаро суҳбат, жонли мулоқотларда фикрлар алмашинуви, очиқлик, самимийлик намоён бўлади. Журналист Холида Файзиева муаллифлигида “Театр — менинг ҳаётим” сарлавҳали интервью (16 март) Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов билан уюштирилган бўлиб, унда актёрнинг ёшлик йилларидаги орзу-ҳаваслари, институтда ўқиган кезлари, театрдаги дастлабки қадамлари ҳақидаги таассуротлар атрофлича баён этилган. Ўқувчи дубляж санъати, бу борада актёрнинг бошқа касбдошлари билан олиб борган самарали ишлари, тажрибалари ҳақида ҳам билиб олади.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Жаҳонгир Исмоилов долзарб, ўқувчини ўйга толдирадиган мақолалари билан газета саҳифаларида тез-тез чиқиш қилиб туради. Унинг “Вақт” сарлавҳали мақоласи (30 март) ҳам муҳим, долзарб масалага бағишланган. Муаллиф тажрибаларига суяниб, ўзига хос ҳисоб-китоб қилган ҳолда, йил давомида аксарият ходим вақтининг салкам бешдан бир қисмини иш жойида ўтказиши, умрининг яна бир ҳиссаси дам олиш, уйқу билан кечганда, қолган уч қисмини ким қандай ўтказиши ҳақида мулоҳаза юритади.

“Ҳуррият”да мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган мақолалар ҳам мунтазам бериб борилди. Газетанинг 1 сентябрь сонида тажрибали журналист, шоир Абдумажид Азимовнинг “Мустақиллик — борлиғимиз ва ғуруримиз” номли мақоласи босилган. Мақолада мустақиллик ва миллий ғурур ҳақида сўз боради. Муаллиф миллий ғурур тушунчасини ўзига хос тарзда талқин қилади. Мақолада инсоннинг ўзлигини таниш, аввало, Ватанни, миллатни танишдан бошланиши, инсон ўзини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватан туйғуси илдиз отиб бораверишi ҳақида асосли фикрлар билдирилган.

Газетанинг шу сонидан Тўлқин Эшбекнинг “Ҳақ йўлидаги ҳақиқатлар” сарлавҳали мақоласи жой олган. Унда муаллифнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб қилган ижодий сафари таассуротлари ифодаланган. Жумладан, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон заминида амалга оширилган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, қурилиш ва ободончилик ишлари Қўнғирот сода заводи ҳамда бошқа ҳудудларда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар қаламга олинган.

Одатда ўқувчини кўпинча муаммоли, залворли мақолалар қизиқтиради. Кундалик ҳаётимизда муаммолар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Адиба Умированинг “Маҳаллада “дув-дув” гап бўлиши шартми?” номли мақоласи (14 сентябрь) тўйларимизга бағишланган. Тўй ўтказиш билан боғлиқ муаммолар матбуот учун янги мавзу эмас. Бу муаммо ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳамиша бонг уриб келган. Адиба мақолада асосий эътиборни тўйлардаги исрофгарчиликлар, ортиқча сарф-харажатларнинг кўпайиб кетаётгани, ҳар бир вилоятда тўй билан боғлиқ ортиқча удум, урф-одатларни танқид остига олади. Муаллиф одамлар томонидан ўйлаб топилган “янгиликлар”дан ранжийди, уларни камайтириш, соддалаштириш кераклиги юзасидан таклифларини айтади.

“Ҳуррият”нинг ҳар сонида “Шарҳ”, “Шарҳ ўрнида” рукнларидаги таҳлилий мақолалар ҳам эътиборга молик. 2016 йили давомида Абдумажид Азимовнинг “Лоқайдлик замбараги қаршисида” (6 март), “Ниятлар ижобати — эл бахт-саодати” (28 июнь), “Эътиқод эркинлигининг ҳавоси” (6 июль), Шарофиддин Тўлагановнинг “Иқлим ўзгаришлари ва оқибатлари” (22 март), “Ярим асрлик можаро бархам топди: Қолганлари-чи?” (5 октябрь), “45-Президент” (16 ноябрь), Шуҳрат Жабборовнинг “Замин ноз-неъматлари — дастурхон зийнати” (4 май), Тошпўлат Матибаевнинг “Тинчлик — ҳаётнинг бош мақсади” (25 май), “Юксак манзилларни кўзлаган карвон” (28 сентябрь), Холида Файзиеванинг “Ўзбек халқига тинчлик, омонлик керак” (21 сентябрь), Лазиз Раҳматовнинг “Дунёни хавотирга солаётган иллатлар” (19 октябрь), “Жаҳоннинг глобал муаммолари” (26 октябрь), “Одам савдоси — олам муаммоси” (9 ноябрь), Тоҳир Шомуродовнинг “Танланган йўл ёғдуси” (14 декабрь) шарҳлари газета мухлисларида яхши таассурот қолдирди десак, хато қилмаган бўламиз.

**“МАЪРИФАТ”** газетасида ҳам йил давомида кўплаб ўқишли, мазмунли мақолалар эълон қилинди.

Журналист Ҳусан Карвонлининг “Олтмиш тўрт катак полвони” (27 январь) сарлавҳали очерки шахмат бўйича жаҳон чемпиони Шамсиддин Воҳидов ҳақида. Муаллиф ёш истеъдодли шахматчи Ш.Воҳидовнинг муваффақиятлари, орзу-интилишларини ўзига хос тарзда ёритиб беради. Шунингдек, мутахассисларнинг истеъдодли шахматчиларимиз ҳақидаги фикрлари ҳам келтирилганки, булар билан танишган ҳар бир ёш ўғил-қиз Шамсиддинга ўхшагиси, у каби шижоатли, иқтидорли спортчи бўлгиси келади. Очеркнинг ёшлар орасидаги тарбиявий аҳамияти катта бўлиши табиий.

Асолат Аҳмадқул қизининг “Ҳақиқий дўст” (10 февраль) сарлавҳали мақоласи долзарб мавзулардан бири — дўст тутиниш, яхши-ёмон кунда бир-бирига елкадош ва ҳамнафас бўлиш ҳақида. Муаллиф қуруқ мулоҳазалар билан чекланмайди, ҳақиқий дўстлик ҳақида ибратли ривоятлар, Абдулла Қодирий асарларидан мисоллар келтиради, мақола тамага асосланган, дўстлик ҳақиқий эмас, шунчаки манфаатпарастлик экани, дўст танлашда хато қилмаслик лозимлиги хусусида ҳаётий мисоллар билан асосланган.

“Маърифат” мухбири Чарос Низомиддинованинг “9 ёшли дирижёр” (27 май) мақоласи Учтепа туманидаги Ўзбекистон Бадиий академиясига қарашли Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатнинг 3-синф ўқувчиси Асадбек Аюбжонов ҳақида. Муаллиф ёш истеъдод соҳибининг мусиқа соҳасидаги машаққатли касб — дирижёрликка қизиқиши, санъатдаги муваффақиятлари, Йоҳан Штрауснинг “Ўрмон эртаклари”, Карэн Хачатуряннинг “Чипполинно”си, Бизенинг “Кармен”, Штрауснинг “Кўклам садолари” асарларига дирижёрлик қилишини мароқ билан ҳикоя қилади.

“Маърифат”да таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ютуқларга эришган, таниқли инсонлар ҳақида мақола, лавҳа, очерк, суҳбатлар бериб борилади.

Тажрибали журналист Муҳаббат Ҳамидованинг “Бойсунлик профессор” (18 июнь) мақоласи қаҳрамони Бойсун шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси, иқтидорли журналист ва педагог Очил Тошқулов ҳақида. Муаллиф Очил аканинг оила аъзолари, шогирдлари, табиат қўйнида юриб, изланиб ёзган “Тешиктош”, “Гуматакдаги динозавр излари”, “Ҳикматли даво тошлари”, “Тоғдаги сирли ҳодиса”, “Тош қотган аждарҳо”, “Амир Темурга бошпана бўлган маскан” номли мақолалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтадики, бу маълумотлар орқали ўқувчи қаҳрамон қиёфасини янада равшанроқ тасаввур этади.

Ёш истеъдодли адиб Акмал Жумамуродовнинг “Ҳайкалтарош” (4 июль) сарлавҳали очерки орқали ёш ҳайкалтарош Жасванд Алланазаров фаолиятига оид ажойиб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Очеркда ҳайкалтарошнинг янги ижод намуналарини яратишдаги ўзига хос фантазияси, интилишлари, изланишлари қаҳрамон характеридан келиб чиқиб, атрофлича очиб берилган.

Маҳмуд Ражабов “Китоб дўконига ҳар ким ўз тарозуси билан киради...” мақоласи (10 август) аввалида китобнинг яралгандан буён шу кунгача инсониятга кўрсатган хизматини ҳеч нима билан қиёслаб бўлмаслигини эътироф этар экан, радио, телевидение, интернет кабилар китобнинг рақобатчиси эмас, балки ундан озиқланувчи восита эканини таъкидлайди. Қизиқ, ўринли мулоҳаза, шундай эмасми? Мақолада яна китоб ўқиш маданияти, мутолаанинг ўқувчига ижобий таъсири, маънавиятни юксалтиришдаги ўрни ҳақида сўз боради.

**“ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ”** газетаси ўз йўналишида отахон нашрлардан ҳисобланади. Унинг 2016 йил сонларида ҳам қизиқарли мақолалар, бадиий асарлар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ҳумоюн Акбаровнинг “Ватан меҳри” (6 май) лавҳаси Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев ижоди ҳақида. Муаллиф бу истеъдодли ҳайкалтарошнинг Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфияхоним ҳайкалларини яратиш тарихи, Япония, Россия, Латвия, Озарбойжон каби давлатларда маҳобатли ҳайкаллар ўрнатилгани ҳақидаги фикрлари берилган.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Кундажувоздан Берлингача” (13 май) мақоласида II жаҳон уруши даҳшатлари уруш қатнашчиси — отаси номидан ҳикоя қилинган. Мақолада уруш даври одамларининг бошидан кечирган азоб-уқубатлари, фронтда, унинг ортидаги одамларнинг очлик, йўқчиликдаги қийинчиликлари, ўғиллари, ёру биродарларини урушга жўнатиб, йўлларига кўз тикиб тонг оттирганларнинг ўтли сатрлари, сўзлари, хотиралари таъсирчан, ўзига хос тарзда қаламга олинган.

Таниқли адиб ва публицист Маматқул Ҳазратқуловнинг “Ҳавас уйғотиш бахти” мақоласида (22 июль) мамлакатимизнинг яқин ўтмиши билан ҳозирги даврини қиёслаб муҳим хулосалар чиқарилган. Мақолада ўзгаларнинг ҳавасини уйғотиш осон эмаслиги, халқимиз эришаётган ютуқларга бошқа халқлар, мамлакатлар ҳайрат ва ҳавас билан қараётгани бежиз эмаслиги, халқимизга хос меҳнатсеварлик, бунёдкорлик фазилатлари самараси эканлиги таъкидланган.

2016 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 80 йиллик юбилейи юртимизда кенг нишонланди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ҳам атоқли шоир, драматург, таржимон, публицист ҳақида мақола, хотиралар берилди. 23 декабрь сонида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Шеъриятимизнинг порлоқ юлдузи”, санъатшунослик фанлари номзоди Омонулла Ризаевнинг “Олтин девор”дан “Руҳлар исёни”гача”, профессор Нўъмон Раҳимжоновнинг “Бедорлик саодати” номли мақолалари босилди. Уларда халқ севган адибнинг шеър, асар, драмалари нафақат Ўзбекистонда, қўшни давлатларда, шунингдек, хорижий мамлакатларда ҳам севиб мутолаа қилиниши, серқирра ижодкорнинг иқтидори, бемисл салоҳияти ҳақида муфассал баён этилган.

Кейинги йилларда **“КИТОБ ДУНЁСИ”** адабиёт ихлосмандларининг севимли нашрига айланди. Ўзбек ва жаҳон адабиётидан сара асарлар, таниқли ижодкорларнинг публицистик чиқишлари газета мазмун-мундарижасини бойитиб, мухлисларини кўпайтираётир. Унинг 2016 йилги сонлари ҳам ўқувчиларга кўплаб яхши асарларни туҳфа этди.

Таниқли олим, мунаққид Иброҳим Ғафуровнинг “Фикр моддаси” (24 февраль — 9 март) мақоласида инсон тафаккури тўғрисида сўз боради. Муаллиф фикрни жуда кенг миқёсда файласуфона таърифлаганки, ундан ўқувчи истаганча фикр олиши мумкин.

Атоқли адиб, китоблари дунё халқлари тилларига таржима қилинган Чингиз Айтматов ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган, унинг ижодий фаолияти ҳақида номдор олимлар китоб, илмий мақолалар ёзишган. Газетанинг 23 март — 13 апрель сонларида моҳир таржимон, адабиётшунос олим, профессор Асил Рашидовнинг “Чингиз Айтматов мактаби” мақоласи эълон қилинган. Мақолада Чингиз Айтматов феномени мисоллар билан очиб берилган.

Таниқли журналист Ёқубжон Хўжамбердиевнинг “Мелибоевнинг “шинели” мақоласи (23 март) таниқли публицист А.Мелибоев ижодига бағишланган. Мақолада таниқли журналистнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Бош муҳаррир бўлиб тайинланганидан кейинги воқеалар, у газетада босиладиган ҳар бир мақолани диққат билан таҳлилдан ўтказиши, муаллифларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги жонбозликлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Мухтасар айтганда, кўриб ўтилган газеталар кўп сонли ўқувчилар, зиёлиларнинг севимли нашрига айланган. Ўйлаймизки, уларнинг ўқувчилари сафи кенгайиб бораверади.

**Юсуфжон ҲАМДАМОВ**

# “ОЛТИН ҚАЛАМ” кўп мамлакатлар ижод аҳли учун ҳавасдир!”

**СЎЗ — “ОЛТИН ҚАЛАМ” СОВРИНДОРЛАРИГА**

Ҳар бир инсон тинч, осойишта ва фаровон юртда яшашни орзу қилади ва шунга ҳақли. Ўзбекистон аҳли ана шундай бахтдан баҳраманд. Юртингизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, хусусан, инсон ва унинг манфаатлари устуворлиги кишини мамнун этади. Бугун жаҳоннинг қатор давлатларида етишмаётган хотиржамлик, бунёдкорлик, яратувчилик бу ўлканинг ҳар бурчида ҳукмрон.



**Аҳмад Ал-ЗУБАЙДИ, “Ал-Алам” телеканалининг Ўзбекистондаги мухбири,** *Эрон*

Жорий йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланишининг ўзи ҳам давлатнинг халққа, ўз фуқаролигига ғамхўрлигини англатиб турибди. Мен бир неча йиллардан буён юртингизда фаолият олиб бораман. Ушбу мамлакатда босқичма-босқич ва пухта ўйланган демократик тамойиллар асосида фуқаролик жамияти барпо этилаётганига шоҳидман. Демократлаштиришнинг жаҳонда умумэътироф этилган асослари миллий анъаналар билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

Хусусан, давлатингизда Президент ва ҳукумат мустақил ОАВни ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Айниқса, матбуотни қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли фармонлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, янги веб-сайтлар, мустақил телестанциялар очилаётгани, ОАВнинг демократик жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар соҳа ривожи учун муҳим омилдир. Журналистлар малакасини ошириш, замонавий билим-кўникмаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашишлари учун турли анжуманлар, танловлар ўтказилиб келинаётганидан ҳам хабарим бор.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ҳар йили ўтказилаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти халқаро танлови эса кўпгина мамлакатлар ижод аҳли учун ҳавасдир. Мазкур мукофот миллий медиаолам учун энг юқори поғона бўлиш билан бирга, соҳанинг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, журналистнинг фуқаролик позициясини намоён этишга катта йўл очиб беради, ижодий фаолиятга янгича ёндашувни шакллантиради. Бугунги тезкор даврда ҳеч биримиз соҳадаги ўзгаришлардан ортда қолишга ҳаққимиз йўқ, мазкур танлов эса замонавий фикрловчи, фаол ва жонкуяр журналистнинг меҳнатига муносиб баҳодир.

Кўплаб ҳамкасбларим қатори мен ҳам мазкур мукофотга сазовор бўлганимдан мамнунман.

# Газета ўқимаган талаба

**ЁШЛАР МУАММОСИ**



Бугун замонимиз шиддат билан ўсиб бораяпти. Кечаги янгилигимиз эртага эскиликка айланади. Лекин радио, телевидение, матбуот бўладими, бундан қатъи назар, оммада давр ўзгаришларини шакллантирувчи, жамоатчиликни фаоликка чорловчи шундай кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар борки, қайта-қайта кўрсанг ҳам тўймайсан.

Чунки одамлар холис ва ҳаққоний ахборот олишга интилади. Бу борада, оммавий ахборот воситаларининг барча турларига мурожаат қилади. Бундай шарафли ва ўта масъулиятли вазифани сидқидилдан ҳис этиб, давр ўзгаришлари ва замонамиз қаҳрамонларининг ўй-фикрлари, орзу-ҳавасларини халқимизга таъсирли ва тез етказиб бериш журналистнинг билим ва маҳоратига боғлиқ.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори дунёқараши кенг, хорижий тилларни пухта ўрганган, ҳозиржавоб ва ҳаёт ҳақиқатларини дадил кўрсатиб берадиган журналист кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, таълим йўналишида амалга оширилаётган янгиликларни санаб адоғига етолмаймиз. Булар барчаси миллий журналистикамиз ривожи ва халқаро миқёсда обрўсини кўтаришга қаратилган, албатта. Лекин кейинги пайтда кўпчилик тенгдошларимнинг матбуотдан узоқлашиб кетаётганидан ташвишланаман. Ҳатто зиёлилар орасида ҳам газетанинг янги сони чиқишини сабрсизлик билан кутадиганлар кам. Бунинг сабаби нимада? Келинг, биргалашиб ўйлаб кўрамиз.

Хўш, бугунги журналист сифатида олдимизда турган масъулиятни қай даражада англаб етаяпмиз? Юртимиз тараққиёти йўлида турли жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни муштарийларга қай даражада таъсирли етказиб бераяпмиз? Афсуски, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Ҳозир ҳам таҳририятлар чуқур ҳаётий таҳлиллар билан ёзилган долзарб мавзулардаги мақолаларга муҳтож. Қўлида қалами бор журналистлар бармоқ билан санарли. Хўш, нега шундай? Агар буни ўзим таҳсил олаётган журналистика факультетининг ўқув жараёни билан изоҳлайдиган бўлсам, назарий билимлар чуқур ўргатилади. Биринчи курсданоқ устозлар назарига тушган ёшлар кўп. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки талаба олий таълим масканига биринчи навбатда, ўқиш ва назарий билим олиш учун киради. Маҳоратли устозлардан сабоқ олиб, ўзи танлаган касбнинг сирларини ўрганади. Аммо амалиётга келганда, кўпчилигимиз турли муаммоларга дуч келамиз. Бундай вазиятда зукко тенгдошларимиз қўшимча маълумот олиш учун газета ва журналлар ёки интернетга мурожаат қилади. Шу ерда бир савол туғилади. Юртимиздаги барча таълим масканларига марказий нашрлар етиб бораяптими? Бундан талабалар ва соҳа мутахассислари қай даражада фойдаланмоқда? Баъзи ўқув юртларининг ахборот-ресурс марказига кириб, ўз соҳасига оид ахборот берадиган газета ва журналлар камлигидан хафа бўлиб кетасан.

Ҳозир талаба ёшларга мукаммал таълим олиши учун барча шароитлар яратилган. Таълим даргоҳларидаги замонавий кутубхоналарга янгича назар ташланяпти. Ҳар бир соҳага оид адабиётлардан ташқари, бадиий китоблар билан бойитиляпти. Қолаверса, юртимиздаги кўзга кўринган марказий нашрлар қошида маҳорат мактаблари ҳам очилган. Фақат ўзида хоҳиш, қунт ва ҳаракат бўлса кифоя. Таълим масканларидан ташқари марказий кутубхоналардан ҳам фойдаланиш имкониятига эгамиз. Бу ерда истаган газета ва журналларни топиш мумкин. Шунча имкониятлар бўла туриб, талабаларнинг газета-журнал ўқимаслиги ташвишланарли ҳол, албатта. Хўш, уларни матбуотга қизиқтириш учун нима қилиш керак? Биринчидан, интернет сайтларида касбга оид қўлланма ёки маҳоратли журналистларнинг ижодий мактабини ўрганиш ёки тажриба алмашиш учун ижод намуналарини мунтазам бериб бориш керак. Шунда тенгдошларимиз ҳар хил ўйинларга чалғимасдан, интернетдан унумли фойдаланарди. Иккинчидан, шу замонавий техникаларга боғланиб қолганлар матбуотни ҳар доимги мавзулар, гаплардан иборат деб ўйламаслиги учун янги муаллифлар, саҳифалар ва қизиқарли мавзулар қамровини кенгайтириш лозим. Акс ҳолда, асосий эътибор яна ўша техника воситаларига қаратилади. Тўғри, муштарийларга ёқадиган бир сўзни топиш учун журналист қанча китоб варақлаши, матбуотни кузатиб бориши керак.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Интернетнинг тезкорлиги ва қулайлиги яхши, албатта. Маълумотни исталган вақтда олиш имкониятини беради. Лекин кейинги пайтларда кўпчилик сайтлар фақатгина янгилик бериш билан чекланиб қолмоқда. Газета-журналларда эса ахборот билан бирга, ўқувчини фикрлашга чорлайдиган, сиёсий-маънавий фаоллигини оширадиган материаллар бериб борилади.

Келинг, журналистика факультетида таҳсил олаётган тенгдошларимизнинг кундалик вазифалари нималардан иборат эканлигини кузатамиз. Юқорида талабаларнинг ўқишдаги асосий вазифаси таълим олиш ва уни амалиётда қўллаш дея таъкидладик. Шундай экан, дарс давомида ўрганган назарий билимларини янада мустаҳкамлаш учун талаба қўшимча адабиётларга мурожаат этади. Адабиётлар ўзбек тилида бўлса яхши, албатта. Лекин чет тилларида бўлса, луғат титкилашга тўғри келади. Мана бир мисол. Мен талаба сифатида соҳамга оид “Hurriyat” газетаси ва “O‘zbekiston matbuoti” журналини мунтазам кузатиб бораман. “Hurriyat” газетасида соҳага доир илмий мақолалар, публицистик фикрлар, республикамиздаги оммавий ахборот воситалари ҳақидаги янгиликлар, мониторинг натижалари, журналистларнинг тажрибаси ва маҳорати ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади. Шунингдек, газета қошида ташкил этилган маҳорат мактаби ёш талаба журналистларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бундай маҳорат мактабларида билимларини янада мустаҳкамлаётган талабалар тайёр кадр сифатида шаклланади. Таълим олаётган учинчи ва тўртинчи курс талабалари бевосита таҳририятларда ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу газета-журналларни мунтазам ўқиш, ўрганиш, соҳага оид билимларни мустаҳкамлаш, доимий изланиш, сабр ва меҳнат қилишнинг самараси сифатида баҳоланади. Бошқа мутахассисликларда таҳсил олаётган талабаларга нисбатан журналистика факультети талабалари ўрганиши керак бўлган фанлар талайгина. Улар мақола ёзишда деярли барча фанлардан хабардор бўлиши лозим. Жумладан, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, маърифий, қишлоқ хўжаликларига оид билимларни мутахассис даражасида билиши талаб этилади. Йўқса, мақоласи ўқишли бўлмайди.

Шундай экан, жамиятнинг кўзгуси бўладиган бўлажак журналист соҳага доир билимларни ўрганиб, уни амалиётда қўллай олса, босма оммавий ахборот воситаларимизда янада ўсиш ва ривожланишни таъминлаган бўлади. Газета-журналлар ҳар бир хонадонга етиб боради. Фақатгина талаба газета ўқиб, билим ва маҳоратини оширсагина кўзлаган мақсадига, ҳақиқий журналист бўлиб етишади. Жамиятимиз ҳам янада ривожланади.

**Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ, ЎзМУ талабаси**

# Жаҳолатга қарши маърифат билан

**ШАРҲ ЎРНИДА**

8-март куни эрта тонгдан қўл телефоним тинмади. Байрам билан қутловлар, расмли хабарлар, овозли табриклар, хуллас, ёқимли қўнғироқлар. Қайнона онажоним: "Қизим эртага байрам, бемалол дам олинглар", деганига қарамай, эрта турдик. Бундайин хуш субҳни эрта қаршиламай бўладими? Оилавий дастурхон атрофида ойинаи жаҳонни томоша қилиб нонушта қилдик.

Байрамга бағишланган махсус кўрсатувларда мамлакатимиздаги хотин-қизларга кўрсатилаётган эъзоз — эҳтиромлардан кўнглимиз янада юксалиб, завқу шавққа кўмилиб ўтиргандик. Шу тоб қақажон қизим телевизор мурватини "болажон" каналига созлайман деб, хорижий янгиликлар каналига очиб қўйди. Унда, байрам тонгида қўшни Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида портлаш рўй бериб, отишма содир бўлганини, ҳужум қилувчилар ҳудуддаги ҳарбий шифохонага бостириб кирмоқчи бўлгани ёритиларди. Кейинги хабарда эса, Ироқдаги тўйда 2 та портлаш содир этилибди. Оқибатда 30 киши ҳалок бўлиб, 26 киши жароҳатланибди. Қандай даҳшат, шундай кунда-я! Қондан жудаям қўрқувчи қизим:

— Оққўнгил одамлар йўқ экан у ерда, ёмон кино экан-а, аяжон деб, — бағримга беркинди.

Ҳа, чиндан ҳам ёмон кино, қизим, телевизорни бошқа каналга созладим-у, яқинда матбуотда ўқиган мудҳиш хабар ёдимга тушди. Афғонистонлик ота 13 яшар қизини бир эчки эвазига сотиб юборибди. Яна бир афғон аёли эри томонидан таҳқирланишу хўрликлардан тўйиб, ўзи ва икки норасида боласини юқори қаватдан ташлаб, жонига қасд қилибди. Наҳотки, аёл қадру қиммати шу қадар арзон бўлса? Юқоридаги воқеа тафсилотлари, вайронага айланган кўча ва шифохоналар, қонли йўлаклар, хазонрезги умрлар манзараси юрагимизни қаттиқ ларзага солди. Ва айни дамда тасвирлар нақадар бахтли эканлигимизни, оиламиз бағрида, фарзандларимиз қучоғимизда, тотли лаҳзаларда яшаётганимизни яна бир карра эслатиб қўйди. Оиламиз билан тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сураётган юртда, тўй-томошалар бир-бирига уланаётган, инсон қадру қиммати устувор бўлаётган диёрда яшаётганимиздан Яратганга беҳисоб шукрона келтирдик.

Маълумотлар инсоният барқарор тараққиётининг кушандаси бўлмиш халқаро терроризм ва диний экстремизм таҳдиди ва хавфи тобора кенгайиб, муаммо башарият олдида янада долзарблик касб этаётганини кўрсатмоқда.

2 март куни БМТ котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Джерри Фелтман ўз ҳисоботида ИШИД кўп ҳудудларида назоратни йўқотганига қарамай, ҳамон манфур мақсадлари йўлида ўлжа излашда фаол давом этаётганини маълум қилди. Бу йўлда улар, асосан, ички алоқа ва ишга ёллаш усуллари ҳамда "махфий ўргимчак" ва шифрлаш каналларини қўллаётганини айтиб, дунё афгор оммасини огоҳлантирди. Халқаро терроризм ва жанговар экстремизм билан курашда террористлар учун "кислород" вазифасини ўтовчи қуролли ва сиёсий тўқнашувларга йўл қўймаслик энг тўғри йўл эканлигини яна бир карра эслатиб қўйди.

Амали жаҳолат бўлган террорчилар динни ниқоб қилиб, ҳали мустақил фикри шаклланмаган ва, ёки тушкунликка тушган, моддий эҳтиёжи бор ёшларни аср тараққиёти воситаси бўлмиш интернет-сайтлар, турли ижтимоий тармоқлар орқали жалб қилмоқда. Хусусан, Россияда 2016 йилда экстремистик мурожаат тарқатгани ва радикал ташкилотларга одам ёллашга хизмат қилган 3000 дан ортиқ интернет — сайтларга махсус хизматлар томонидан тақиқ қўйилганлиги бунинг ёрқин исботидир. Мутахассислар фикрига кўра, қора кучлар яширин, яъни "махфий ўргимчак" каналлари орқали диний қизиқишлари кучли, диний қарашларга, ҳиссиётга мойил ўсмирларга турли "жаннат", мустақил диний ҳамжамият, мўмай даромад, истаганича аёллар танловини ваъда қилиб, тузоқ қурмоқдалар. Ачинарлиси, бу тўрга баъзи бир ёшларимиз илиниб қолаётганидир. Афсуски, турли диний экстремистик оқимларнинг маддоҳлари томонидан фаол тарзда олиб борилаётган замонавий тарғибот таъсирида айрим ёшлар манқуртдек "заҳарли қора ўргимчаклар" уя қурган мамлакатларга гўёки "ҳижрат" қилиб, ўзларини "ҳақиқий мусулмон"ларга қўшилгандек ҳис қилмоқдалар. Сохта даъволарга ишониб, Ватани, ота-онаси ва оиласини ташлаб кетмоқдалар. Наҳотки, бегуноҳ одамларнинг, норасидаларнинг қонини тўкиш, аёлларни хўрлаш, уй-жой, масжиду мактабларга ўт қўйиш, қўпорувчилик, худкушлик иймондан саналса? Қўлини қонга ботиришни, залолатга юз тутишни қайси мусулмон боласи истайди?

Бугун одамзод глобал қарама-қаршиликлар ва кучли давлатларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган геосиёсий ўйинлари авжга чиққан, бу йўлда зулм ва истибдоднинг ҳар қандай шаклларидан фойдаланиш айб саналмайдиган таҳликали замонда яшаяпти. Ватандошларимиз ғанимлар фитнасини амалга оширишда бир қўғирчоқ сифатида диндошлари ва миллатдошлари қотилига айланиб қолишдан ўзларини ҳимоялашлари керак. Ҳолбуки, ҳар бир террорчилик ҳаракати ортида ғаразли мақсадлар, ундан манфаатдор кучлар тургани бугун айниқса, очиқ-ойдин бўлиб қолди.

Юртимизда тинчлик ва осойишталигимиз ҳукмронлиги бу узоқни кўра билиб олиб борилган оқилона сиёсат самарасидир. Халқаро экспертлар хулосасига кўра, Ўзбекистон саёҳат учун хатардан холи ва ҳамёнбоп давлатлар сирасида эътироф этилди. Бу кўрсаткичлар бизнинг кўнглимизга таскинлик берса, терроризм хавфи энг юқори давлатлар билан қўшни эканлигимиз ҳаммамизни бедорликка, ҳушёрликка ва огоҳликка чорлайди.

Яратганга шукрки, мамлакатимизда қора ниятли ғаламисларга муносиб, жаҳолатга қарши маърифат ҳамда юксак маънавият, бузғунчилик, қўпорувчилик ўрнига яратувчанлик ва бунёдкорлик билан жавоб берилмоқда.

Энг муҳими, бугун Ўзбекистон янги тараққиёт босқичи томон муҳим қадамларни қўйди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишида кўзда тутилган вазифаларнинг негизида айни шу мақсадлар, инсон манфаатлари, халқ орзу-истаги мужассам. Айниқса, диний экстремизм ва террорчиликка қарши курашда энг муҳим омил бўлган эътиқоди, динга мойиллиги кучли ёшларимиз тўғри ва мукаммал диний сабоқ олишлари учун илмий марказ ва даргоҳлар ташкил этилаётгани қувонарлидир. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятида "Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда куни кеча Бухоро вилоятига қилган сафари доирасида Бухоро вилоятида Тошкент Ислом университетининг филиалини очиш тўғрисидаги таклифлари кўнгилларга мунавварлик бахш этди. Ана шундай зиё масканлари, табиатан диний эътиқоди баланд Фарғона водийсида, айтайлик, Марғилон шаҳрида Имом Бурҳониддин ал-Марғиloний номи билан ташкил этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Шу заминнинг бахти бекам аёли эканлигимдан, масрурлик туйган ҳолда шуни айтмоқчиман, муқаддас озодлик нафасидан келажак зурриёдларимиз ҳам баҳраманд бўлишлари учун биз оналар мудом бедорлик, огоҳликни қўлдан бой бермаслигимиз лозим. Курраи заминни қалқитаётган жаҳолатга қарши маърифат билан курашишимиз, токи қора кучлар қўшни давлатлардагидек, болаларимиз қўлига қурол тутқазишидан аввалроқ дилбандларимиз қўлига китоб тутқазмоғимиз керак.

**Нигора МАННОПОВА**

# Наврўз „география"си

**ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ**

Наврўз инсониятнинг энг қадимий байрамларидан бири бўлиб, неча минг йиллардан бери турли халқлар уни ўз урф-одатлари бўйича нишонлайди.

Бу галги жуғрофий саёҳатимиз бу муборак айём нишонланадиган юртларга бўлади.



### ТУРКМАНИСТОНДА

Туркманистонда Наврўз байрами қадимдан деҳқонларнинг байрами ҳисобланади. Шу сабабли Копетдоғ этаклари Амударё соҳилидаги деҳқонлар Наврўзни тантанали нишонлашади. Туркман халқига хос айрим урфу одатлар ушбу байрамга миллийлик бахш этган. Масалан, наврўзгўжа, наврўзбома таомларини пишириш, сумалак тайёрлаш ва ёшлар томонидан "манжуқ отди" каби отамерос ўйинларни ўйнаш. От чоптириш мусобақалари ҳам байрам урф одатларига киради.

### ОЗАРБОЙЖОНДА

Озарбойжон Республикасида ҳам Наврўз асосий байрамлардан ҳисобланади. Байрамнинг биринчи куни одамлар дарё ёки булоққа бориб, унинг сувини бир-бирларига сепадилар. Озарбойжонликлар сувни поклик ва тозалик рамзи сифатида кўришади. Шу тариқа улар янги йилда бир-бирларига бахт-саодат тилайдилар. Шундан сўнг, бир-бирларини ширинликлар билан меҳмон қиладилар. Наврўз куни, албатта, ширинлик истеъмол қилиш уларнинг азалий одати ҳисобланади.

### АФҒОНИСТОНДА

Афғонистон Ислом Республикасида бошқа давлатларга қараганда Наврўз анча узоқ давом этади. Қирқ кун мобайнида нишонланадиган ушбу айём, асосан, Мозори Шарифда ўзига хос тарзда нишонланади. Деҳқонлар мўл-кўл ҳосил олиш мақсадида дала ишларини эрта бошлаб юборишади. Боғбонлар ниҳол ўтқазишади. Байрам арафасида кураш ва улоқ мусобақалари ўтказилиб, Наврўз сайллари уюштирилади. Ҳар бир хонадонда яхши ниятлар билан сумалак пиширилади. Афғонлар ва тожикларнинг сумалак пишириш пайтида айтадиган қўшиқлари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Наврўз байрами ҳар бир қишлоқ, шаҳар ва вилоятларда навбат билан ўтказилади.

### ҚОЗОҒИСТОНДА

Қўшни Қозоғистон Республикасида ҳам Наврўз (Ноуруз мейрамы) энг муҳим байрам сифатида нишонланиб келинади. 1991 йилда Қозоғистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Наврўз мамлакатнинг миллий баҳор байрами сифатида эътироф этилган. Бу ерда Наврўз 22 март куни нишонланади.

Қозоғистон халқи Наврўзни баҳор байрами, деб билади. Уларнинг фикрича, Наврўз куни само юлдузлари бошланғич нуқтага етиб келади ва Ер юзида шод-хуррамлик барқарор бўлади. Наврўз қозоқлар учун ҳам йилнинг ибтидоси ҳисобланади. Уларда Наврўзда файз-барака осмондан ерга тушади, деган қараш ҳам мавжуд. Қозоқлар йил алмашадиган лаҳзаларда уйларининг покиза бўлишини ёқтиришади. Янги йил кириб келишида уй ва ҳовлилар тоза ва озода бўлса, оила аҳли ўша йили касаллик ва бахтсизликлардан омонда бўлади, деб ҳисоблашади. Агар байрам куни қор ёки ёмғир ёғса, йил файзли келади, деб қувонишади.

### ЭРОНДА

Эрон Ислом Республикасида совуқ кунларнинг охирлашиши билан Наврўз байрамига тайёргарлик кўрилади. Исфандмоҳ (февраль) ойининг биринчи ўн кунлигиданоқ эронлик аёллар буғдой ва бошқа донларни кўкартиришни бошлайди. Кўк, кўзгу ва қирмизи балиқ Наврўз байрами учун ясатиладиган дастурхонга қўйиладиган асосий нарсалардан саналади. Бундан ташқари, байрам дастурхонига еттита «с» ҳарфидан бошланувчи гул қўйилади.

Наврўз кириб келиши билан одамлар кўзгуларни рўпарасига қўйиб, чироқларни ёққан ҳолда, хонадонларининг баракаси учун Қуръон тиловат қилишади.

### ПОКИСТОНДА

Бу мамлакатда Наврўз байрами минг йиллардан буён нишонлаб келинади, деган фикрлар ҳам бор. Покистонда Наврўзнинг биринчи кунини "Нур дунёси" ҳам дейишади. Чунки мазкур байрам кириб келиши билан бутун оламни ўз нурлари билан мунаввар айлайди. Наврўз айёмида шеър ва само рақси кечалари ўтказилади. Наврўз Покистонда «Қизил гул байрами» деб ҳам аталади. Тақвимларда эса "Наврўз байрами" сифатида белгиланади. Шунингдек, халқ орасида "Басант" — "Баҳор" байрами» сифатида ҳам юритилади. Қариндош-уруғлар қабрини зиёрат этиш, яқинлар ва дўстлар ҳолидан хабар олиш Наврўз айёмида бажариладиган амаллардан саналади. Бундан ташқари халқ орасида қизиқарли ўйинлар ҳам ўтказилади.

### ХИТОЙДА

Хитой Халқ Республикасининг ғарбий ҳудудларида Наврўз нафақат мазкур байрамни нишонлайдиган миллатлар, балки хитойликлар томонидан ҳам кенг нишонланади. 21 март куни одамлар ёрқин либосларга бурканишиб, қўлларида гулдаста ва лойдан ясалган ҳўкизларнинг ҳайкалчалари билан ибодатхонага йўл олишади. Байрамнинг энг улкан — бош ҳўкизи эса бамбук ва қоғозлардан ясалади. Жонивор олов, сув, темир, дарахт ва ер рамзларини англатувчи — қора, оқ, қизил, яшил ва сариқ рангларга бўялади. Байрам қизиган бир паллада барча ҳайкалчалар майда-майда қилиб синдирилиб, бамбукдан ясалган улкан ҳўкиз оловда ёндирилади.

### ТАИЛАНДДА

Таиланднинг Чиангмай шаҳрида ҳар йили февраль ойининг биринчи жумасида "гуллар сайри" маросими бошланади. Бу маросим юртга баҳор келганлигидан далолат бўлиб, икки кун ичида бутун мамлакатга ёйилади. Таиланд кўчалари қўлларида анвойи гуллар тутган ва башанг кийинган ёшу қари билан гавжумлашади. Ёшу кексаларнинг бир-бирларига гул тақдим этиб, қутлашлари баҳор рамзи ҳисобланади.

### СКАНДИНАВИЯДА

Скандинавия халқлари баҳорни май ойида кутиб оладилар. Тарихий анъанага кўра, денгизчи ва уй бекаси кўринишида кийинган бир гуруҳ йигит-қизлар денгиз ёки ўрмон четида катта гулхан ёқиб, унинг атрофида шўх рақсларга тушиб, баҳорни кутиб оладилар. Шундан сўнг аҳоли масканларида кўклам фасли тадбирлари авж олади.

Баҳорий анъана ва байрамлар қандай ҳолатларда нишонланмасин, ҳамманинг чеҳрасида бизнинг Наврўз айёмимиздек ўзаро самимият, меҳр-оқибат туйғулари ҳукм суради.

**Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

### СУПЕРВУЛҚОНЛАР ХАРИТАСИ



**Халқаро геофизиклар жамоаси Ер юзида содир бўлган йирик вулқонлар харитасини намойиш қилди. Кейинги 2,5 миллиард йилда сайёрамизда катта ўзгаришларга сабаб бўлган 15 та супервулқон отилган экан.**

Энг қадимий вулқон Австралиянинг жануби-ғарбидаги вилоятида тахминан 2,42 миллиард йил аввал отилган, энг охиргиси эса 17 миллион йил аввал ғарбий-шимолий Америкада содир бўлган, айни пайтда Йеллоустон вулқони деб номланади.

Супервулқон глобал иқлим ўзгаришларига олиб келиши билан оддий вулқондан фарқ қилади. Сўнгги йирик вулқоннинг пайдо бўлишига атроф-муҳитнинг ифлосланиши, яъни триллион тоннадан кўпроқ чиқинди чиқарилгани литосферани бузган, дейди мутахассислар. Ушбу моддалар атмосферанинг кимёвий таркибини бузиб, қуёш нуридан тўсиб қўяр ва сайёранинг юзасида магматик трап ҳосил қилар экан. Худди шундай йирик воқеа 252 миллион йил аввал ҳозирги Норильск туманида содир бўлиб, буюк Перм емирилишини келтириб чиқарган эди.

### ТУНДА АВТОМОБИЛЬ БОШҚАРИШ ОСОНЛАШАДИ



**Тадқиқотларнинг кўрсатишича, европалик ҳайдовчиларнинг 80 фоизидан кўпроғи кечки пайтда автомобиль бошқаришда қўрқув ва ўзларига ишончсизлик сезадилар. Бу борада сўровнома ўтказилганда иштирокчиларнинг ярмидан кўпи қоронғида йўлни ва атрофдаги вазиятни ёмон кўришларидан асабийлашишларини, учдан бири эса йўл-транспорт ҳодисасига тушишларидан қўрқишларини айтган.**

"Ford" автомобилсозлик компанияси бу масаланинг ечимини топди: қоронғида пиёдаларни аниқлаб, улар олдида машинани автоматик тарзда тўхтатувчи тизим яратди. Ушбу тизим автомобиль олд қисмидаги радар ва пешойнага ўрнатилган камерага таянади. "Пиёдалар қиёфалари" деб номланувчи маълумотлар базаси рул бошқарувчини дарахтлар ва йўл белгилари каби объектлардан фарқлашга имкон беради. Камера бир сонияда ўттиздан ортиқ сурат олади ва кенг миқёсда кўриш бурчагини таъминлайди. Ҳосил қилинган видеоқатор аниқ вақтда таҳлил қилинади. Натижада тизим пиёдаларни тунда, ҳаттоки ёруғлик анча паст бўлган пайтда ва автомобиль фаралари ёруғлигида ҳам аниқлаши мумкин. Тизим пиёда билан тўқнашув муқаррарлигини сезса, дастлаб ҳайдовчига товушли сигнал ва визуал огоҳлантириш беради. Ҳайдовчи бунга жавоб бермаса, унда тизим машинани автоматик тарзда тўхтатади.

Жорий йилда ушбу тизим сўнги авлод "Ford Fiesta" автомобили орқали тақдим қилиниши мўлжалланган.

### МИЛЛИЙ КОСМИК СТАНЦИЯСИНИНГ ТАЯНЧ МОДУЛИ



**Хитой Марказий ҳарбий кенгаши қурол-яроғ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Чжан Юйлинь 2019 йилда мамлакат орбитага миллий космик станциянинг таянч модулини чиқаришини ва унга иккита лаборатория модули бириктирилишини маълум қилди. Юйлинь миллий космик станция тахминан 2022 йилгача йиғилиб бўлишини таъкидлади.**

— Станциямиз учта модулдан ташкил топади, булар — битта таянч ва иккита лаборатория модули. Ҳар бирининг вазни 20 тоннага тенг, — дейди Юйлинь.

Унинг сўзларига кўра, аввалги ташувчи ракеталарнинг қуввати бунинг учун етарли бўлмаган, шу сабабли уларни орбитага чиқариш учун оғир "Чанчжэн-5"лар ишлатилади.

Ўтган йилнинг ноябрида ХХР жанубида "Чанчжэн-5" ташувчи ракетаси учирилган эди. У Хитойнинг бугунги кундаги энг бақувват ракетаси ҳисобланади.

### ЭНГ СОҒЛОМ ОДАМЛАР – БОЛИВИЯДА!



**Америкалик олимлар энг соғлом юракка эга кишилар Боливиянинг "Tsimane" қабиласи вакиллари эканини аниқлашди.**

Бунинг учун ўтказилган тадқиқотда 705 нафар боливиялик қатнашди. Мутахассислар юрак томирларининг кальций индекси (CAC)ни аниқлади. Ушбу кўрсаткич орқали юрак ишемик касалликлари келиб чиқиш хавфини баҳолаш мумкин. 100—400 га тенг индекс юрак томирлари функцияларининг осон бузилиши эҳтимоли юқори эканини кўрсатади.

Тадқиқот иштирокчиларининг 85 фоизида ушбу кўрсаткич бирдан юзгача бўлган чегарада экани маълум бўлди. 75 ёшга тўлганларнинг 65 фоизида CAC нолга тенг бўлиб чиқди. Олимларнинг фикрича, юрак-томир касалликларига чалиниш хавфининг бундай паст даражада бўлиши қабиладагиларнинг соғлом ҳаёт тарзи билан боғлиқ. Улар чекмайди ва алкоголь қабул қилмайди, бир кунда 15—17 мингдан зиёд қадам босади.

Бундан ташқари, CAC даражаси паст бўлишига боливияликларнинг овқатланиш рациони ҳам таъсир ўтказади. Унинг катта қисмини гуруч, маккажўхори, маниок илдизи ва плантан сабзавот бананлари ташкил қилади. Улар кўп ёнғоқ ейди. Умуман, калориянинг 72 фоизи организмга углеводлар билан, 14 фоизи эса ёғлар билан бирга тушади. Қолган улуш оқсиллар ҳиссасига тўғри келади, ушбу қабила аҳли Ғарб мамлакатлари аҳолисидан кўра кўпроқ ёғсиз гўшт ейишади.

**Интернет материаллари асосида Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

**ЭЪЛОНЛАР**

Шайхонтоҳур туман Сузук ота кўчаси 50-уй манзилида жойлашган, фуқаро Асатуллаев Нурулла Шавкатовичга тегишли дўконнинг 10100301020002 рақамли кадастр ҳужжатлари ва гувоҳномаси (реестр рақами 10-89/2000) йўқолгани туфайли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти томонидан 1999 йилда Каримов Тўлқин Бўронович номига берилган В № 014400 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сурхондарё вилояти Музработ тумани С.Айний номидаги 8-сонли ўрта мактаб томонидан 1994 йил Шаҳло Раҳимовна Абдураҳмонова номига берилган № А 483149 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг 1995 йил 15 мартдаги 323/3-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1994 йил 31 майдаги 379-сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг 1995 йил 15 мартдаги 232/3-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1994 йил 30 майдаги 379-сонли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Инсоф сари барака!..

**ҲАЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

## “УЙҒОҚ” ВИЖДОН

Яқинда гўшт олиш учун Чорсу бозорига бордим. Лаҳм, суяксиз гўшт беришини айтиб, тўтидай сайраб турган қассоб чаққон ҳаракатлар қилиб, худди цирк артисти каби харидорларни ўзига маҳлиё қиларди. Одатда, гўшт танлашда жуда ҳушёрман. Иложи борича суяксиз, этлироқ қисмидан олишни хуш кўраман. Бугун ҳам навбатнинг кўплиги, айниқса, уларнинг орасида ёши кекса онахону отахонларнинг борлиги кўнглимни хотиржам қилди. Демак, гўшт яхшидир-ки, шунча одам йиғилибди. Мулойимгина сўрашиб, ҳатто гўштнинг у ёқ бу ёғини қайта-қайта кўрсатиб, нархини арзонроқ қилиб берган сотувчи амаки кайфиятимни янада кўтарди. Шундай виждонли сотувчиларимиз бор бўлсин! Хаёлимдан ўтган шу ўй рўйхатимда қолган маҳсулотларни тезда харид қилишимга кўмак берди. Қош қорайиб қолгани учун уйга кира туриб кечки овқатга унаб кетдим. Гўшт ўралган елим халтачани очиб не кўз билан кўрайки, тагида каттакон суяк турибди. Унда на эт бор, на илик. Сотувчи амакининг “Савоб ҳам керак инсонга”, дея кўрсатган “ҳиммати” қулоқларим остида яна бир янграб, мени масхаралагандай бўларди. Мен-ку майли, отаси, онаси тенги кишиларнинг аҳволи не кечди экан, қассоб наҳотки савобни пеш қилиб, қай юз, виждон билан алдади экан?! Ким билади, навбатда турган харидорларнинг қанчаси мен каби чув тушди?! Ўзгаларнинг алданиши йўли билан кўрилган даромад кун келиб бошқа жойдан минг баробар бўлиб чиқиб кетишидан қўрқмабди-да!

Шу-шу, “бозор гўшти”дан кўнглим қолди. Қимматроқ бўлса ҳам супермаркетлардан ишончли ва сифатли гўшт олишга одатландим. Лекин супермаркетлар ҳам доим биз ўйлагандек ишончимизни оқламас экан. Бунга Чилонзор туманидаги “Парус” савдо мажмуасидаги “Sunday” супермаркетидан бир гал товуқ гўшти олиб амин бўлдим. Маҳсулотнинг қачон келтирилгани ҳақидаги саволларимга сотувчи қиз “Бизда эскиси бўлмайди, ҳаммаси назорат қилинади. Кечагина келган, мана қаранг, яроқлилик муддати аниқ кўрсатилган”, дея жавоб қайтарди. Афсуски, уйга бориб қадоқни очсам, ичидан нохуш ҳид анқиди. Балки сотувчи қиз ҳам буни билмагандир. Лекин супермаркет деб аталмиш “ишончли бозор”да назоратчию маҳсулот сифати учун жавобгар шахслар талайгина-ку! Бу каби ҳоллар тасодиф туфайлигина уларнинг эътиборидан четда қолиши мумкин. Одамнинг шу тахминга нақадар ишонгиси келади.

## “КЎРМАЙ ҚОЛИБМИЗ…”

Ўғлим барча болалардек ширинлигу меваларни ёқтиради. Айниқса, сутли маҳсулотлар, йогурт жону дили. Ишдан қайтаётиб, унга бирор егулик харид қилиш ниятида Чилонзор метросига яқин “Қодирровот” супермаркетига кирдим. Ойнали музлаткичда хилма-хил йогуртлар териб қўйилган. Одатда, сотиб оладиган ҳар бир маҳсулот ёрлиғи, ишлаб чиқарилган санасини, албатта, текшираман. Совуткичдаги маҳсулотнинг қарийб 80 фоизи истеъмолга яроқсиз. Ҳатто яроқлилик муддати 5-10 кун ўтиб кетганлари ҳам бор. Лекин негадир улар ҳануз сотувда. Қанча харидорлар эътибор бермай бу маҳсулотни болалари учун сотиб олишди экан?

Йогуртлар орасидан атиги бир неча истеъмолга яроқлиларини ахтариб топдим. Касса бўлимига келгач, уларни муддати ўтган маҳсулотдан бохабар қилиб, аллақачон савдо пештахтасидан олишлари кераклигини эслатдим. “Кўрмай қолибмиз, олиб ташлаймиз ҳозир” дейишди.

## ХАРИДИНГИЗДАН РОЗИМИСИЗ?

Савдо расталаримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган, табиий, витаминлар билан тўйинтирилган маҳсулотларга тўла. Албатта бундан фахр ва ифтихор туясан, киши. Бозорларимиз тўкин. Мева-чева, сабзавот дейсизми, қандолат ёки сут маҳсулотларими бисёр. Лекин ҳануз дилни хира қиладиган муаммолар борки, улардан кўз юмиб бўлмайди.

Фуқароларини ҳар томонлама ўйлайдиган давлат, албатта, истеъмолчи ҳуқуқлари ва кафолатларини ўз қонунчилигида белгилаб қўяди. Биз истеъмолчилар лоқайдлигимиз сабаб ҳар доим ҳам бундан хабардор бўлавермаймиз. “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”-ги қонунга асосан республикамизда ишлаб чиқарилиб, савдога қўйилаётган қадоқланган ва ўрамли озиқ-овқат маҳсулотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ёрлиқланган бўлиши шарт. Шунингдек, ҳар бир фуқаро озиқ-овқат дўконларидан маҳсулотнинг мувофиқлик сертификатини талаб қилишга ҳақли.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг турларига қараб, унинг ёрлиқларида таркибдаги маҳсулотлар номи, ажралмас таркибининг қўшимчалари, озуқавий қимматликлари ҳақида маълумот, сақлаш муддати, ишлаб чиқарилган санаси каби маълумотлар киритилиши шарт. (Makiz номи остида ишлаб чиқарилаётган ёрмаларнинг бирортасида на ишлаб чиқарилган санаси, на амал қилиш муддати кўрсатилган.) Ҳатто айрим касалликларга чалинганлар учун ножўя таъсирлари ҳам кўрсатилган бўлиши лозим.



Яроқлилик муддати ўтган, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлиги учун салбий таъсири борлигига кўпчилик юртдошларимиз эътибор қаратишмайди. Ушбу маҳсулотлар организмда туберкулёз, бруцеллёз, салмонелёз ва бир қатор ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради. Уй шароитида тайёрланган пишириқ ва турли таомларнинг қандай шароит ва ким томонидан тайёрлангани, қандай озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланилгани ва таомни тайёрлайдиган инсоннинг тиббий кўрикдан ўтган-ўтмагани номаълум бўлади.

Ҳозирги кунда аёлларнинг оғирини енгил қилиб, савдо расталаримизда озиқ-овқатларнинг тайёр турлари, ҳатто айрим маҳсулотлар учун хамирлар ҳам сотилади. Афсуски, уларнинг ҳам барчасини янги, уриниб қолмаган, деб айтолмаймиз. Шу боис турли ном остидаги кўпгина тайёр маҳсулотлар ёрлиғини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Барча дўконларда кенг тарқалган лаваш хамирларининг аксариятида ишлаб чиқарувчи номи, ҳатто айримларида санаси қайд этилмайди. Чучвара тайёрлаш ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш ўринлидир. Бу каби маҳсулотлар харидорда шубҳа уйғотиши табиий.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида шундай дейилади: “Ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятларида сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтган товарларни қабул қилиш ҳамда реализация қилиш қатъиян ман этилади”.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасида эса одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли давлат назорати органларининг қарорига мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши, 17-моддасида яроқлилик муддати ўтган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин бўлмаган, шунингдек, давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва (ёки) ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари бўйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланиши, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги, қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши кераклиги қайд этилган.

Аслида, “Ўзстандарт” агентлиги маълумотларига кўра, қоидага биноан, масалан, қандолат маҳсулотлари *(ширин кулча, батон, пряник ва ҳоказолар)* тайёрланган кундан бошлаб ўн кун давомида сотилиши керак, муддатдан қолиб кетса, савдога чиқарилиши асло мумкин эмас. Агар истеъмолчи бундай маҳсулотларнинг *(умуман, ҳар қандай)* муддати ёки яроқлилик санаси кўрсатилмаганига дуч келса, уни харид қилмаслиги лозим.

## СОТУВЧИНИНГ ВАЗИФАСИ НИМА?

Сотувчилар сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини кузатиб боришлари ва уларнинг сифати ёмонлашган тақдирда сотиш ёки чакана нархини пасайтириш масаласини ҳал қилиш учун маъмуриятга хабар беришлари лозим. Сақлаш муддати тугаган тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олиниши шарт.

Шу ўринда муддати тугаётган маҳсулотлар нархини арзонлаштириб, тезда сотиш таклифини билдирган бўлардик. Негаки, ҳам маҳсулот чиқитга чиқмайди, ҳам харидор ҳамёнига фойда. Бу амалиёт кўпгина ривожланган давлатларда қўлланилади.

Айрим маҳсулотлар пештахтада аввалдан ўлчаниб, қадоқланиб қўйилган бўлади. Ун, шакар, гуруч каби. Қонунга кўра, уларнинг ўрамида товарнинг номи, нархи, вазни, ишлаб чиқарувчиси, ишлаб чиқарилган санаси, сақланиши мумкин бўлган муддати, қадоқлаган кишининг исми ёки рақами ҳақида маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт. Супермаркетлардаги деярли барча қадоқланган маҳсулотларда ишлаб чиқарувчи ҳамда уни қадоқлаган кишининг номи йўқ. Айримларида эса (масалан гуруч, шакар каби) маҳсулотнинг вазни бору, унинг нархи ҳақида маълумот йўқ. Бизнингча, бу маълумотларнинг бўлиши жуда муҳим. Сабаби, ана ўшанда уриниб қолган ёки сифатсиз маҳсулотлар учун жавоб берадиган аниқ шахсни топиш мумкин бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва салқин ичимликлар белгиланган ҳароратларда сақланиши назорат қилиниши шарт. Сотувчи энг асосий эътиборни дўконига жойлаётган ҳар бир маҳсулотнинг (хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, хоҳ озиқ-овқат, хоҳ хўжалик маҳсулоти бўлсин) ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати, ёрлиқ белгиларига қаратиши керак. Ўшандагина сотувчи ҳам харидор олдида мулзам бўлмайди, виждони қийналмай луқмасини ҳалоллаб топади. Харидорлар эса пулига куймайди, сифатига ҳам иккиланмайди.

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**“Hurriyat” мухбири**

**КЕЧИНМА**

“Вақт олий ҳакам, хоҳласанг ҳам, ёлворсанг ҳам ортга қайта олмайсан. Болаликка, ўша беғубор дамларга қайтиб бўлмайди. Йўқ. Мен бу гапга қўшилмайман. Қайсарликка йўйманг-у, болаликка қайтиб бўлади. Бундай олий бахт фақатгина оналарга берилган.

# БОЛАЛИККА ҚАЙТИБ…

Фарзанди қувончидан завқланади, йиғласа хавотирга тушади, ўйнаса шерик бўлиб, гўдак тилида сўзлашади: “гигга, ўжинг гигтасан”, “ана пишича, миёв-миёв, мана баба, баба нима қилади”, дея болага қўшилиб болага айланади. Мурғак қалбда туғилган саволларга жавоб беришдан чарчамайди. Ҳа, дунёдаги барча оналар шундай. Боласи билан бирга болалик оламида қайта яшайди.

Баъзида ўзимиз-ўзимизга тушунмай қоламиз, сиқиламиз, нима хоҳлаётганимизни англолмаймиз. Аммо оналаримиз бизга нима кераклигини доим билади. Биргина сўзи, биргина нигоҳи билан мушкулимизни енгил ҳал этади. Бу муштипар зотлар ҳақида дугоналаримизнинг туйғулари билан ҳам ўртоқлашдик.

— Вазият тақозо этиб агар онамга ёлғон гапирсам, индамайдилар. Ҳа, билмадилар, деб хурсанд бўлиб юрсам, бир қанча вақт ўтгач, ўшанда шундай алдагандинг, индамагандим, деб юзимни қизартирадилар, — дейди ЎзМУ талабаси Гулшода Жуманиёзова. — Онамнинг сезгирлигига ҳайрон қоламан. Мени ҳеч ким онамчалик билмаса керак.

Ҳа, шунинг учун ҳам бошқалар даврасида волидамиз билан гаплашгандек яйраб суҳбатлаша олмаймиз. Улғайиб, онамизнинг бағридан чиқиб, атрофимиздаги дўстларимиз, ёру биродарларимиз билан андармон бўлиб қоламиз. Уйда, йўлимизга зор термулиб турган меҳрли кўзларни бироз унутгандай бўламиз. Вақт ўтади ва ким-кимлигини фурсатнинг ўзи ойдинлаштириб қўяди... Шу пайт барибир борар еримиз онамизнинг иссиқ бағри бўлади.

Онадан яхши сирдош, дўст йўқ. У нимаики деса, қилса фақат биз учун қилади. Қўлларини очиб Аллоҳдан бизнинг бахтимизни сўрайди. Бу бозор дунёда, инсон ўзининг манфаати йўлида ҳар ишга тайёр турган паллада шундай дуогўйимиз, дўстимиз бўлгани бизга берилган энг буюк неъмат эмасми?

— Онам ҳақида нимадир дейиш мен учун қийин. Эрта тонгда уйғониб, онажонимнинг овозини эшитсам, гўдакка айланиб қоламан. Кўнглим ёришиб кетади. Баъзан бу бевафо дунёда бахтнинг ўзи йўқ, дейдиган инсонларни учратамиз. Уларнинг сўқир қалблари билмайдики, бахт аллақачон ҳаётимизга жо бўлган. Фаришта онажонларимизнинг борлиги, уларнинг меҳридан мосуво эмаслигимиз — энг олий бахт, аслида, — дейди ЎзМУ талабаси Сурайё Аҳматова. — Ҳар доим ўқишдан уйга қайтсам, биринчи бўлиб волидам кутиб оладилар. Онажонимнинг меҳрга тўйинган бир оғиз ширин сўзи танамдаги барча чарчоқларни чиқариб юборади, вужудимга қайта жон киргандек бўлади.

Онанинг кўзлари — энг чиройли кўзлар, чунки унга дунёдаги барча болаларга етадиган меҳру муҳаббат жо бўлган.

— Онам мени койиса, бирдан кўзларига қарайман. Шунда дилим ёришиб кетади. Онам нима десалар ҳам бу кўзлар менга “сени яхши кўраман, қизим, сенга доим яхшилик тилайман”, деб туради. Шу сабаб ҳеч қачон онамнинг гапларидан хафа бўлмайман, — дейди Қарши шаҳар “Баркамол авлод” болалар маркази тўгарак раҳбари Насиба Нодирова. — Агар бу кўзлар маъюс тортиб қолса борми, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан, ҳаловатим йўқолади.

Қани энди барча фарзандлар муштипар онасини ўйласа, қайғусига шерик бўлиб, ёлғиз ташлаб кетмаса... Афсуски, атрофимизда онасини йиғлатиб, дилини яралаб юрган кимсалар ҳам бор. Уларнинг ҳам бойлик, манфаат, мансаб сўқир қилган кўзлари бир кун келиб очилади. Борар ери яна ўша иссиқ қучоқ бўлади. Бироқ вақт олий ҳакам. У қидирган қайноқ бағир муздек тупроқ қучоғида бўлиши мумкин. Онаизоримиз ёнимиздалигида қадрига етайлик. Токи муштипаримизнинг қалби биз туфайли тоғдек кўтарилсин.

Она қалбида ҳар бир фарзандининг ўрни бўлакча. Бири ёнимдаку, бошқаси узоқда юраверсин, деган тушунча бегона унга. Бари ёнгинамда, бағримда бўлсин, дейди. Биз эса баъзан оғриниб қўямиз. Онам мени тергайверади, мени ёш бола кўриб, ҳадеб телефон қилаверади, деймиз. Бу ҳам бир бахт аслида. Кимдир биздан хавотир олса, тинмай ҳол-аҳволимизни сўраб турса, кимгадир ҳеч қандай таъма ва манфаатсиз керак бўлсак, бундан ортиқ саодат борми? Ҳа, онаси борларнинг бошида тожи бор деганлари шу бўлса керак.

Онамизнинг меҳр тўла кўзлари, нурли чеҳраси, бетакрор ифори — кўзимизни илк очиб кўрган, бир умр соғиниб, талпиниб яшайдиган қадрдонларимиз. Буни кимдир эрта, кимдир эса кеч англайди. Нима бўлса ҳам Аллоҳим дунёдаги жамийки онажонларни ўз паноҳида асрасин!

**Шоҳсанам КОМИЛОВА**

**ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ**

# ТЕМИРҚОВУҚЛИК ОҚСОҚОЛ

**— Қишлоқда сизга ўхшаган тиши ўткир одам бўлгани тузук экан, оқсоқол, — деди Маҳмуд думбул дўконига кириб келган Саъдулла ота билан салом-аликдан сўнг. — Кетганизга бир ҳафта бўлди чамамда, ҳа, ўшандан бери яна асосий каналларни кўролмаяпмиз, ретранслятор кабелининг беш юз метрини бир касофат кесиб олиб кетибди.**

Шаҳардаги ўғлиникидан хуш таассуротлар билан қайтган отанинг бу хабарни эшитиб кайфи учди, қуюқ қошлари учма-уч бўлиб, дўкончини уйиб олди:

— Мен ўлсам сенлар тарки дунё қиласанлар чоғи?

— Нега ўларкансиз, яхши ният қилинг-э, ота, — деди Маҳмуд думбул оқсоқолнинг зардасигаям парво қилмай.

— Ўлмай нима, дунёга устун бўлармидим?! Қошинг қора, кўзинг қора, ўз ишингта ўзинг қара, дейишган. Сенларам ёш бола эмассан, ўзларинг ҳам жон койитишни ўрганинг-да, энди, қачонгача мен бўзчининг мокисидай югуриб юраман?

Дўкончи ҳам бўш келмади, менам мақол биламан дегандай, ҳозиржавоблик қилди:

— Энди, оқсоқол, фил учмайди — мулла учиради, дейишган-ку! Сиз ҳар қандай мушкул ишниям уддалайсиз, менинг гапимни ким қулоғига оларди, нари борса, бор-э, дўконингни уддала, біровнинг ишига тумшуқ тиқма, деган гапни эшитаман-да.

— Нега бировнинг иши бўларкан? — қони қайнаб дўқ қилди ота, — майнанг жойидами, ҳозиргина телевизор кўролмаётганингни айтиб ўтирувдинг-ку. Сенлар шу-да, тайёрига айёрсанлар! Сенингча, менга айтишмаганми шу гапни?! Менгаям айтишган, ҳалиги кинодаги қарияларга ўхшаб ҳамманинг ишига тумшуқ тиқиб юради, деб. Ҳам меҳнат, ҳам туҳмат деганлари шу-да!

Дўкончи ортиқ бир сўз демади, ўзини харидорлар билан андармон бўлгандай тутди. Думбуллигига бориб, атайин ўша сўзни қўшиб айтди. Ота ҳақида гап кетганда уни Анзират бувининг адъютанти, деб эрмак қилишларини минг марта эшитган, ўзиям айтиб кулган. “Аммо-лекин, бобойнинг дўқ-пўписаси беғараз, самимий”, деб орқасини суваб ҳам қўярди. Шундай қилмасаям бўлмайди-да, битта-яримтаси етказса, нақ бошимда ёнғоқ чақади, деб қўрқарди. Ҳақиқатан отадан кўпчилик, ҳатто туман, вилоят раҳбарлари ҳам бироз ҳайиқиб туришини сезишган. Маҳ-



муд дўкончи яхши билардики, ота ҳадемай бу муаммониям ҳал қилади, керак бўлса, ўша касофатни топиб, кабелни жойига қайтаради. “Кейин мен мазза қилиб истаган каналимни кўраман”, деган хаёл билан мийиғида кулиб қўйди ва отанинг қўл силтаб, ғудраниб чиқиб кетганига эътибор ҳам бермади.

Саъдулла ота қирқ йилдан ортиқ халқ таълими соҳасида меҳнат қилди, ўн беш йил мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлади. Уч чақириқ туман кенгашига депутат этиб сайланди, жамоат ишларида доим фаол бўлган. Фарзандлари бари уйли-жойли, тинч-тотув. Жайдари қилиб айтганда, отанинг ҳеч қандай ташвиши, бош оғриғи қолмаган. Аммо у табиатан ғайратли, ўрта бўй, жуссаси кичикроқ бўлса-да, чайир, нигоҳлари ўткир. Бундай одам нафақада ҳам тинч ўтиролмаслиги аниқ. Оёқ узатиб, беғамгина яшайдиган вақти бўлса-да, сен индамасанг, мен индамайман қабилида бепарво яшашни ўзига эп кўрмайди. Атрофга уйғоқ назар ташлайди. Ўша чекка қишлоғидан тортиб, республика миқёсида бўлаётган ҳар бир янгилик, ўзгаришларни кузатиб боради, ўз вақтида муносабатини билдиради. Ким халқ дарди, ким ўз дарди билан яшаяпти, биров хайрли ишга бош бўлса, биров ўз жиғилдони учун давлат, халқ мулкини талон-торож қиляпти — ҳаммасидан хабардор. Бундай пайтда Саъдулла ота тинч ўтира олармиди, биридан мамнун бўлиб, кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатса, биридан ғазабланиб, қилган қинғир иши учун товон тўлашга мажбур қилади. Лозим бўлса, кўпчилик орасида ноинсофни изза қилиб, адабини беради. Раҳбарларни ҳам аяб ўтирмайди, худди Анзират буви сингари ўзининг дами ўткир сўзи билан уларни ҳам савалашдан тоймайди.

Ўйлаб қаралса, унинг саъй-ҳаракати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилибди. Тумандаги бир нечта ҳудудга автобус йўналишларининг йўлга қўйилишидан тортиб, хўжалик марказидаги шифохонага янги автомашинанинг берилишию ҳудудда иккита автобекат қурилиши, аҳолининг суюлтирилган газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланиши каби қатор муаммолар айнан унинг югур-югурлари билан ечим топган. Саъдулла ота ҳатто сиҳатгоҳларда дам олаётиб ҳам эътиборсиз бўлолмайди. Бир гал сиҳатгоҳда бўлганида, у ерда тўпланиб қолган муаммоларни қаламга олди. Баҳонада масканда янги ошхона ишга тушиб, бир қатор масалалар қайта кўриб чиқилди.

— Отахон, аслида, сиз ёзмасангизам ўзимиз ҳаракатимизни қилиб юрувдик, — деганди ўшанда сиҳатгоҳ раҳбари пешонасини тириштириб. Бир кафт қалампирни ошатиб юборишган, шекилли, аччиқ-аччиқ гап қилиб отани мот қилмоқчи бўлди.

— Ҳа, энди, хайрли ишга жарчи бўлсанг, хафа бўлма, дейди халқимиз. Биз бир жарчи бўлдикда, ишни эса сиз қилдингиз. Эски вақтда жарчилар хабар бермаса, одамлар кў-ўп ишлардан бехабар қолиб кетаверган, — дея киноясини ўзининг бошига дўппи қилиб кийгизиб қўйди ота.

Қишлоқдаги 32 ўрта мактабдаги “ўйин”лар эса уни анча толиқтирган. Мактаб ўн йил бурунги капитал таъмирлаш дастурига киритилган. Иш бошланиб, ярмига етганда “маблағ ажратилмаяпти” деган важ билан чала ташлаб кетилган. Бу масканга қадам қўйган одам отанинг ғазаблганича бор экан-да, деган хаёлга бориши аниқ эди. Мактаб ҳовлисини ўраб турган деворлар турли хил — олд томони панжара, ярми бўялган, ярми занглаб ётибди. Шимолий қисми пахса девор, жануб томони эса тош девор. Таъмирланмай қолган икки мунғайиб турган бинога қараб ачиниб кетасан киши. Яна денг, шу нураб қолган бинолардан бирида бошланғич синф ўқувчилари ўқишаркан. Қурилиш фирмаси раҳбари шайтонгаям дарс берадиган қилпиллаган бир аёл денг. Ота униям, мактаб директориниям аввал инсофга чақирди. “Қишлоғимиз фарзандлари ўқийди-ку шу даргоҳда, сенларни қўлингда имкон боракан, савоб учун ўз ёнингдан бўлсаям таъмирлаб бериш ўрнига мактабга ажратилган маблағни еб кетаверасанлами, ҳеч қурса худодан қўрқмайсанлами”, деб роса жавради. Шундан кейин анча кутиб юрди, ҳеч қандай ўзгариш бўлавермагач, улар билан яна учрашди:

— Халқ молини еган ҳалқумидан илинади, энди ўзингдан кўрларинг, вилоятга бориб, матбуотга арз қиламан, — дедию айтганини қилди. Керакли далилларни элтиб таҳририятга топширди. Мухбирлар келиб мактаб аҳволини кўрди, атрофдагилару ўқитувчилар билан гаплашиб, барини пухта ўрганиб кетишди. Вилоят газетасида каттагина танқидий-таҳлилий мақола эълон қилингач, энди бирор ўзгариш бўлишига ишонди. Афсуски, халқ таълими бошқармаси таҳририятнинг ушбу масала юзасидан жўнатган сўровномасига жавобан узоқдан олиб айлантириб берилган бир-икки оғиз умумий жавобдан бошқа силжиш бўлмади. Аммо хамир етилса, кўпчийди, деганларидек, етилиб қолган бу муаммони Саъдулла ота охиригача ҳал қилмаса қўймади. Шу мактаб, шу ҳудуд фарзандлари учун неча ташкилот, қанча мутасадди раҳбарлар билан савол-жавоб қилишга тўғри келса ҳам эринмади. Билсаки, бунга катталар ҳам аралашган экан. Вой, мани жайдари хулосам, деб бошини ушлаб гоҳ кулди, гоҳ ранжиди бобо. Мен мактаб директори билан ҳалиги қилпиллаган аёлни сўкиб юрибман, улар эса гапимни назарига илмай, тўйган кўзидан бўлиб, менга тепадан бепарво қараганларининг сабаби бу ёқда экан-да. Ҳа, жиғилдонинг тешилгурлар, дедию ота қаттиқ киришди. Вилоят халқ таълимининг ўша пайтдаги раҳбарини ўгай кўз билан қаралган 32-мактабга чақиртирди. Чунки ўзи борса, турли баҳонаю важкорсон билан думини тутқазмаслигини яхши биларди. Бобонинг феълини билган каттанинг келмасликдан ўзга чораси қолмади.

— Инсофсиз, юлғич экансан, — деди унинг кўзига тик боқиб. — Энди шу мактаб учун нима қурилиш моли керак бўлса, аммангни уйидан бўлсаям топиб келтириб берасан. Мен бир нафақадаги одамман, бу иш учун яна сен раҳмат эшитасан...

Шу-шу бўлдию мунғайиб турган мактабнинг бироз чиройи очилди.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Темирқовуқ қишлоғида бир пайтлар сув муаммоси ҳам бор эди. Хўжаликка янги сайланган раис кўпдан буён ишламаётган тик қудуқни ишга тушириб, одамларнинг дуосини олди. Буни қарангки, шу қудуқнинг кабели ҳам бир виждонсизга керак бўлибди. Одамлар анча пайт сувдан қийналиб қолди. Ота бу ишнинг изига тушиб, номардни топди. Қўшни қишлоқдаги бир такасалтанг экан. Уни шундай изза қилдики, қўшни қишлоқликларнинг ҳам отага ҳурмати ортди, бирор муаммо туғилса, ундан ёрдам сўраб келадиганлар кўпайди. Хуллас, ўша машҳур Анзират буви каби курашувчан характери туфайли біровга яхши кўринса, бировга ёмон кўринади. “Бошқаларнинг ишига нега аралашасиз?” деган танбеҳни у ҳам неча бор эшитган. Шундай пайтда у бироз меъёрни унутиб, ким ўзарга ошириб сўкиши ҳам мумкин. Ахир, беайб парвардигор деганлар.

“Маҳмуд дўкончи айтгандай, барибир ҳар қишлоққа битта-иккита тишли-тирноқли одам керак. Йўқса, баъзилар виждониниям пуллашдан тоймайди”, ўйлади ота.

Темирқовуқ тоғли туманнинг бир чеккасидаги қишлоқ. Бу жойлар кўкламда кўримли бўлади. Қишнинг изғиринида эса кўчада юриш мушкул. Тўрт тарафда қир-адирлар бир-бирига уланиб кетган. Мобиль телефону телевизордан фойдаланмоқчи бўлсангиз, тепароққа чиқиш керак. Мана, кабелниям кесиб кетишибди, энди буям отанинг гарданига тушади. Ота пастки қишлоққа эниб бораркан, кимдан гумон қилишниям билмади: “Ўзимизнинг қишлоқдагилар бундай қилмайди, чунки ҳамма телевизорни эмин-эркин кўрсам дейди”. Хаёл-хаёл билан ҳовлисига кириб келганини билмай қолди, кампири офтобрўяда тикиш қилиб ўтирган экан. Тузук-қуруқ сўрашиб улгурмай, қўлидаги йўлхалтани кампирига тутқаздию қўшни қишлоқ томон илдамлаб кетди...

**Холида ФАЙЗИЕВА**

**ЭКРАН ОРТИДАГИ ҲАЁТ**

Ҳаётда шундай одамлар борки, атрофидаги ҳамкасблари, ёру биродарлари, қариндош-уруғлари ҳамиша у томон талпинади. Имкон борича кўпроқ мулоқотга киришиб, мароқли суҳбатларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилади. Бундай кишиларнинг давралари серфайз, суҳбатлари мазмунли, маслаҳатлари ҳикматларга бой бўлиб, халқимиз уларни чарақлаган юлдузга қиёс қилади.

# ИЖОД ИБРАТИ

## Кинорежиссёр Жасур Исҳоқов фаолиятига бир назар



Жасур Исҳоқов ҳам ана шундай замондошларимиздан бири. У сермаҳсул ижоди, серқирра иқтидори, кенг дунёқараши, чуқур тафаккури билан юртимиз маданият ва санъат аҳли орасида ўз ўрнига эга бўлиб, обрў-эътибор қозонган.

Сценарист, режиссёр, кино ва театр драматурги Жасур Исҳоқов 1947 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Тошкент театр ва рассомлик институтининг (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти) режиссёрлик факультетини, кейинчалик Давлат кинематография қўмитаси қошидаги икки йиллик олий сценарист ва режиссёрлар курсини тамомлаган.

Қарийб 50 йиллик ижодий фаолияти давомида унинг сценарийлари асосида “Тиниқ булоқлар”, “Асов дарё пўртанасида”, “Алвидо, ғўр ёшлигим”, “Учишга рухсат” сингари бадиий, “Жонли тупроқ”, “Ёмғир ва шохчалар ҳақида”, “Қизил, сариқ ва олтин ранг”, “Сусамбил”, “Спитамен, Сўғдиёна ўғлони”, “Йўл ва болалар” каби ўндан ортиқ мультипликацион фильмлар суратга олинган. Мамлакатимиз театрларида “Бузиш учун сотилади”, “Мардикор”, “Кўҳна Тошкент ҳақида тушлар”, “Бўталоқ” сингари ўнга яқин пьесалари муваффақият билан саҳналаштирилган. “Қашқар маҳалла”, “Тақдир сўқмоқлари”, “Муҳаббат иқрори” сингари оммалашиб кетган қатор қўшиқ матнларининг муаллифи.

Ж.Исҳоқовнинг режиссёрлик маҳорати, айниқса, мустақиллик йилларида яққол намоён бўлди ва ривожини топди. Ўз сценарийлари асосида постановкачи режиссёр сифатида “Кетма...”, “Олтин тулпор дуоибади”, “Ҳақиқий эркаклар ови”, “Шатранж мамлакатидаги саргузаштлар”, “Ҳақиқат куни”, “Балли, Камолиддан!” сингари бадиий, “Қайта туғилиш” (“Ал Фарғоний”), “Устанинг тўрт куни”, “Самарқанд – 2750 ёшда”, “Самарқанд қоғози”, “Шахмат тождори”(“Рустам Қосимжонов”), “Асад Исматов”, “Тўғон Режеметов”, “Актриса”, “Александр Файнберг”, ”Зулмат салтанати”, “Риштон мўъжизаси”, “Уруш болалари”, “Зилзила” каби 40 дан ортиқ ҳужжатли фильмларни суратга олди.

Мустақиллигимизнинг илк палласида бой тарихимиз, ўзликни англаш, аждодларимиз меросини ўрганиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва улуғлаш сингари масалаларга катта эътибор қаратилди. Ж.Исҳоқов шу йилларда буюк аждодимиз Аҳмад Ал-Фарғоний ҳақидаги “Қайта туғилиш”, миллий ҳунармандчилик анъаналарини тарғиб этувчи “Риштон мўъжизаси”, “Самарқанд қоғози” сингари ҳужжатли фильмларни яратди. Кейинчалик мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни кўрсатувчи “Халқ сўзи – ҳақ сўзи”, “Тинчлик ва хавфсизлик йўлида”, шахмат бўйича XVII Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлиб, миллат ғурурини кўкларга кўтарган Рустам Қосимжоновга бағишланган “Шахмат тождори” сингари ҳужжатли фильмларни суратга олди, миллий халқ қаҳрамони ҳақида “Спитамен, Сўғдиёна фарзанди” мультфильми учун сценарий ёзди. Ўз фильмлари билан мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот ишларига катта ҳисса қўшди.

Ж.Исҳоқов “ҳужжатли кино”ни жуда катта мактаб, деб таърифлайди. Эндигина фаолиятини бошлаётган кинорежиссёрларга бадиий фильмга қўл урушдан олдин, албатта, ўз имкониятларини ҳужжатли кинода синаб кўриб, ҳеч бўлмаганда учта ҳужжатли фильм суратга олиб кўришни маслаҳат беради. Чунки, кинорежиссёрликдек ўта мураккаб касбни эгаллаш учун бу муҳим бир босқич вазифасини ўташига ишонади. Ўн дақиқа давом этадиган фильм сценарийсини ёзиш, уни суратга олиш учун кунлар, ойлар эмас, баъзан йиллар давомида тайёргарлик кўриш, мавзуга оид кўплаб манбаларни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, юракдан ўтказишга тўғри келади. Бу жараёнда ҳеч бир нимани назардан қочириб бўлмайди.

У бадиий кинодаги фаолиятини болаларга мўлжалланган “Тиниқ булоқлар” фильми билан бошлаган. Қаҳрамонимиз фильмларининг нафақат қизиқарли воқеа ҳақида ҳикоя қилиши, балки, энг аввало, таълим-тарбия воситаси бўлиши кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Кинотанқидчиларнинг фикрича, кўпгина режиссёрлар фильмларида бирор воқеани ҳикоя қилиб, уни кўрсатишга эътибор қаратишади. Ж.Исҳоқов эса фильмларида асосан инсонлар тақдирини тадқиқ этишга интилади. У ўз қаҳрамонларининг ўй-хаёллари, руҳий кечинмаларини кўрсатар экан, инсон ҳаётида бирор мураккаб вазиятга дуч келгудек бўлса, ўзини қандай тутиши, мушкулликлардан чиқиб кетиш учун нима чоралар кўриши мумкинлигини томошабин билан бирга таҳлил қилади. Шундай асарларидан бири 2011 йилда суратга олинган “Ҳақиқат куни” бадиий фильмидир.

Режиссёр фильм давомида эътиқодли, ҳалол кишиларни турли ҳаётий синовларда, жумладан, “пахта иши”дек ноҳақлик ва адолатсизлик гирдобида тасвирлайди. Арзимаган туҳматлар сабаб Мунисанинг отасидек меҳнаткаш, оддий, содда, ҳамиятли кишилар ҳаётида машъум фожеликлар, адолат мезонларидан чекланишлар рўй берганига томошабин эътиборини жалб этади. “Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди” деган ҳикматнинг қанчалик тўғри эканига қаҳрамонимиз билан бирга куйинган, унинг дардларига шерик бўлган томошабинни ҳам ишонтиради.

Ж.Исҳоқов ҳар бир мавзуга жиддий ёндашгани учун фильмлари таъсирчан, мулоҳазали, режиссёрлик топилмаларига бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам бу фильмлар кўплаб Халқаро кинофестивалларда иштирок этиб, томошабин ва мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлган. “Зулмат салтанати” ҳужжатли фильми Германияда, “Олтин тулпорнинг дуоибади”, “Ҳақиқий эркаклар ови” бадиий фильмлари Россияда, “Шатранж мамлакатидаги саргузаштлар” фильм-эртаги Арманистонда ўтказилган Халқаро кинофестивалларда ғолибликни қўлга киритган. “Алпомиш” достони асосида тўлиқ метражли бадиий фильм учун ёзилган киносценарий 2012 йилда Жанубий Корея Республикаси Маданият вазирлиги ўтказган Халқаро танловда “Гран-При” соҳиби бўлган.

У ижод билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол. Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси бошқаруви аъзоси сифатида миллий кинематография соҳасини янада ривожлантириш бўйича зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади. Ёш сценаристлар учун маҳорат дарсларини ўтказади. Бўш пайтларида ўзи гувоҳи бўлган қизиқарли воқеалар, ёнидаги қадрдонлари ҳақида ҳикоялар ёзади. Бу ҳикоялар тўплами “Кўҳна Тошкент ҳақида тушлар” номи билан нашр этилган.

Ж.Исҳоқов ҳавас қилса арзигулик серфайз оиланинг бошлиғи. Унинг энг содиқ мухлиси, талабчан танқидчиси ва ишонган маслаҳатгўйи, шубҳасиз, турмуш ўртоғи Мастура Исҳоқовадир. Опа ҳам Тошкент театр ва рассомлик институтининг режиссёрлик факультетини (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти) битириб, кўп йиллар республика телевидение ва радиосида режиссёрлик қилган. Мастура опа Ҳамид Олимжон, Зулфияхоним, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Наби Ғаниев сингари миллатимиз фахри бўлган буюк инсонларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган етмишдан ортиқ бадиий-публицистик мақолаларнинг муаллифи. Ҳозирги кунда Жасур Исҳоқов билан биргаликда “Классик–ФМ” радиоканали орқали “Кино ҳақида суҳбатлар” рукни остида таниқли адабиёт ва санъат намояндалари ҳақидаги эшиттиришларни олиб боришади. Ота-онадан ибрат олиб улғайган фарзандлар ҳам ҳаётда ўз ўринларини топган. Катта ўғиллари Сардор киноиқтисодчи, продюссер, режиссёр. Кичик ўғил Элдор тиббиёт фанлари номзоди, Республика гемотология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтининг илмий раҳбари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош онкогемотологи. Қизлари Элсевар таниқли дизайнер ва либослар бўйича рассом.

**P.S.** Кўпинча мендан “Сиз Жасур ака Исҳоқов билан ака-укамисиз?”деб сўрашади. Мен эса “Йўқ биз фамилиядошмиз, аммо кўп йиллик дўстона, самимий муносабатлар бизни ака-укалардек яқинлаштириб юборган”, деб жавоб бераман. Жасур ака билан ака-ука деб ўйлашларидан фахрланаман.

**Аъзам ИСХОҚОВ,**
**Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси аъзоси**

## НАВРЎЗ ҚЎШИҚЛАРИ

Гул Наврўз чечагида.
Беланчак бор, ёр-ёр.
Беланчакнинг бошида,
Келинчак бор, ёр-ёр.
Келинчакнинг йўлига,
Гуллар сочай, ёр-ёр
Шу наврўзда суйганимга,
Кўнгил очай, ёр-ёр.
Шунда олам мунаввар
Бўлғусидир, ёр-ёр,
Севишганлар шўх қувнаб,
Кулгусидир, ёр-ёр.



## ОМОНЛИҚ ҲЕЙ, ОМОНЛИҚ

Омонлиқ ҳей, омонлиқ,
Етдик Наврўзга.
Унутилсин ёмонлик,
Қут бер, рисқ-рўзга.
Юртга тинчлик сўрайман,
Оламга чирой.
Шу айёмни қутлай деб,
Ундирдим буғдой.
Сумалак бир баҳона,
Ғанимат дийдор.
Шу урфимиз шоҳона,
Оқибатга ёр.
Замонга минг шукрким,
Етдик Наврўзга.
Майса ўсибди дуркун,
Сурай мен кўзга!

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани Кенгаши жамоаси**




Reklama

## Абу Райҳон Беруний Йилбоши ҳақида

*Хоразм аҳли йил ва ойлар бошлари Суғд аҳлиникига мувофиқ бўлиб, эронликларникига эса мухолифдир...*

*Хоразмликларнинг ҳайитлари бўлиб, Исломдан олдин шу (ҳайитларни) улуғлар ва: “Улуғ ва азиз тангри хоразмликларга уларни улуғлашни буюрган”, дер эдилар. Улар ўзларидан олдинги кишиларидан қолган бошқа кунларни ҳам ҳайит қиладилар.*

*Новсоржи. Бу ойнинг биринчи куни — Йилбоши байрами...*

* * *

*Наврўз бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунича... ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган.*

* * *

*Ал-Маъмун Али ибн Тусо ар-Ризодан наврўз ҳақида сўраганида, у: “Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаган, чунки у замоннинг биринчи кунидир”, — деган.*

Абу Райҳон Берунийнинг
“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридан

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Юртдошларимизни яшариш, уйғониш айёми –
Наврўзи олам билан муборакбод этади.
Асрлар оша элимиз дилига
эзгулик, меҳр-мурувват ғояларини
сингдириб келаётган Наврўз барчамизга
шодлик олиб келсин.
Хонадонларимиздан кут-барака,
шоду хуррамлик ҳеч қачон аримасин.
Юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин!


Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

## «Асака» банк

*Сизларни «Наврўз» байрами билан
чин юракдан муборакбод этади!*

*Юртимиз янада обод ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!
Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан файз аримасин
азиз ватандошлар!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган
Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

## «МАНФААТЛИ—2017»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади**

**Мурожаат учун телефонлар:**
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган



## “ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ

жамоаси барча юртдошларимизни

*Наврўз байрами билан муборакбод этади!
Кириб келган баҳор ҳаётингизга қувончли хабарлар, тўкинлик, фаровонлик олиб келсин!
“Ипотека-банк” сармоялари эса сизга
ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!
“Ипотека-банк” хизматларидан фойдаланинг!
Биз имконият яратамиз!*



IPOTEKA BANK

imkoniyat yaratamiz

Қўшимча маълумотларни www.ipotekabank.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган



HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 4860 Буюртма — S-8543 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91

**Топшириш вақти** — $20^{00}$ **Топширилди** — $18^{00}$

ISSN 2010-7528

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*

**Навбатчи:** Жобир Хўжақулов

**"O‘zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**